УШБУ СОНДА:
2 КРЕДИТ ПУЛИГА — «ДАМАС»
3 ОИЛА — ҲАЁТ БЕШИГИ
XXI АСР НАФАСИ воқеалар, хабарлар, тафсилотлар
4 НОЁБ ХИСЛАТ ЭГАСИ

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 42-43 (498)
2006 йил
31 октябрь
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

MEZON:

Муаллиф буюртманинг муаллифлик шартномаси бўйича асарни шартнома шартларига мувофиқ яратиш ва уни буюртмачига топшириш мажбуриятини олади.

Буюртманинг муаллифлик шартномаси бўйича яратилган асарга бўлган шахсий номулкий ҳуқуқлар муаллифга тегишлидир.

Буюртманинг муаллифлик шартномаси бўйича асардан фойдаланиш учун мулкий ҳуқуқлар бошқа шахсга ўтказилган тақдирда, ушбу Қонуннинг 38, 39 ва 42-моддалари қоидаларига риоя қилиниши керак.

«МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ВА ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН 41-МОДДА

ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛИ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ этиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосини таъминлашга қаратилган бир қатор муҳим қонунлар қабул қилинди, жиноий жазоларни либераллаштириш, жиноий-процессуал қонунчилик, жиноий жавобгарлик тизимлари бўйича дастурий вазифалар белгилаб олинди.

Бугунги кунда амалда қўлланилаётган қонунларимизда белгиланганидек, бирор-бир фуқаро қонунга зид тарзда қамоққа олиниши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддасида қуйидагилар белгилаб қўйилган: **«Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бирбирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас».**

Давлатимиз раҳбарининг **«Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»**ги Фармонининг эълон қилиниши ҳаётимизда улкан воқеа бўлди.

Кенг маънода олиб қараганда, ушбу Фармон мамлакатимизнинг инсон эркинлиги ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноий жазоларни эркинлаштириш ва пировард мақсадда ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан дадил қадам ташлаётганига яна бир далилдир.

Жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда суд идораларининг мавқеини ҳисобга олсак, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга олиб берилиши инсон ҳуқуқларини кафолатлашга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг мантиқий давомидир. Айни Фармон демократия ва ижтимоий адолатга, энг муҳими, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларига тўла-тўкис мос келиши билан ҳам улкан ижтимоий-сиёсий аҳамиятга моликдир. Шунингдек, бу ҳужжат орқали фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини изчил ҳимоялаш бўйича суд ваколатларини кенгайтиришга эришилаётганини қутлаш керак.

Албатта, санкция ваколатларини судларга ўтказиш бир қатор чора-тадбирлар, тайёргарлик ишлари бажарилишини тақозо этади. Чунончи, амалдаги қонун ва кодексларга Фармонга мувофиқ, ўзгартириш ва тузатишлар киритиш лозим. Қолаверса, суд рухсати билан қамоққа олиш эҳтиёт чорасини амалга оширадиган механизмни ишлаб чиқиш даркор. Албатта, суд идораларини етарли малакага эга бўлган кадрлар билан тўлиқ таъминлаш ҳам шу сирадаги вазифалардан. Фармонда белгиланганидек, бу каби ташкилий-тадбирий вазифалар 2008 йил 1 январга қадар амалга оширилиши лозим.

Президентимизнинг **«Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»**ги Фармони матбуотда қизғин муҳокама қилинаётир, ҳуқуқшунос олимлар, зиёлиларимиз бу ҳужжатнинг ҳуқуқий, ижтимоий аҳамиятини таъкидлашиб, ўзларининг таклифларини билдираётир. Айрим чиқишларда хорижий мамлакатларнинг бу борадаги тажрибалари ҳам таҳлил қилинмоқда. Булардан келиб чиққадиган асосий хулоса шуки, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судлар ваколатига ўтказиш, биринчи галда, шахс дахлсизлигини кафолатлаш билан узвий боғлиқ бўлган конституциявий тамойилларни рўёбга чиқаради. Айни пайтда, қонунчилигимиз меъёрлари халқаро ҳуқуқ мезонларига янада уйғунлашади. Шу билан бирга, илгари фақат суд босқичида юзага келадиган тортишув тамойили энди дастлабки тергов босқичига кўчади. Бу эса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқини кенгайтиради ва прокурор ҳамда адвокат ҳуқуқлари тенглигини таъминлашга тўлиқ имконият яратади.

Дарҳақиқат, Президентимиз таъкидлаганларидек, **суд олий судловнинг олий нуқтаси ва унинг ролини ошириш ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги қонуний жараёндир.** Шу талабдан қараганда ҳам давлатимиз раҳбарининг **«Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»**ги Фармони санкция ҳуқуқини судларга ўтказишнинг ҳуқуқий асоси бўлибгина қолмай, туб моҳияти билан инсонпарварлик тамойилини рўёбга чиқаришнинг муҳим далилидир.

Умид ДАВРОНОВ,
ҳуқуқшунос

2006 йил 28 октябрда Адлия вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Уни Адлия вазири Б.Мустафоев бошқарди. Ҳайъат йиғилишида 2006 йилнинг ўттан 9 ойи давомида адлия идоралари томонидан амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди ва келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

Xabar

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА

Ҳайъат йиғилишида қайд этилдики, адлия идоралари томонидан жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида кичик ва хусусий тадбиркорлар, хорижий инвесторлар ва улар иштирокидаги корхоналар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда шартномавий муносабатлар бўйича аҳволни яхшилашга, қишлоқ хўжалигидаги туб ислоҳотларни такомиллаштиришга, фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга ҳамда қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган аниқ тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, ўтган давр ичида тақдим этилган қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари вазирлик томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши таъминланди. Шунингдек, 711 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларига юридик хулосалар берилди, 68 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари тайёрланди ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди.

Қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан, шунингдек, амалга оширилаётган ислоҳотларга номувофиқ бўлган 32 та меъёрий ҳужжат давлат реестридан чиқарилди.

Идоравий-меъёрий ҳужжатларни амалдаги қонунчиликка мувофиқлаштириш мақсадида 55 та ва давлат рўйхатидан ўтказишнинг белгиланган тартибига зид равишда ижрога юборилган ноқонуний ҳужжатлар юзасидан эса 11 та тақдимнома киритилди.

"Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонунга асосан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги барча меъёрий ҳужжатларининг давлат ҳисоби юритилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 9 ойи давомида келиб тушган 482 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан 341 таси давлат ҳисобига олинди ва қонун ҳужжатларига 2271 та ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ҳайъат йиғилишида вазирлик томонидан ҳисобот даврида мамлакат аҳолисининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилгани таъкидлаб ўтилди. Натижада ўтган 9 ой давомида адлия идоралари томонидан жами 21 390 марта ҳуқуқий тарғибот тадбирлари амалга оширилди.

Аҳолини, қолаверса, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларини Адлия идоралари фаолияти, мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотлар тўғрисида хабардор қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг **"Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги 2006 йил 22 сентябрдаги қарорига мувофиқ, вазирликда ахборот хизмати ташкил этилди.

Ҳайъатда ҳисобот даврида вазирлик томонидан 36 та кўп томонлама ва 120 та икки томонлама халқаро шартномалар лойиҳалари бўйича ҳуқуқий хулосалар берилгани қайд этилди.

Нотариат, ФҲДЁ (Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш) ва адвокатура идоралари фаолиятини тартибга солиш ва уларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Республикамизда 2.088.761 та нотариал ҳаракатлар амалга оширилган.

ФҲДЁ идоралари томонидан 672 152 та далолатнома ёзувлари қайд этилган.

2006 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, республикамиз бўйича 23 та адвокатлик коллегиялари, 342 та адвокатлик фирмалари, 436 та адвокатлик бюролари мавжуд бўлиб, уларда 3 844 нафар адвокатлар фаолият юритмоқда.

(Давоми учинчи бетда)

Munosabat

РАҲБАРЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Фан ва техника кашфиётларидан қаноатланган тараққиётнинг асов тулпори замонни, жаҳонни, инсонни шиддат билан кўз илғамас уфқлари сари бошлаб бораётганига ҳаммамиз гувоҳмиз.

Ўтган октябрь ойида мамлакатимиз ҳаётида муҳим ижтимоий воқеалар юз берди. Жумладан, Тошкентда II халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси ўтказилди. Истиқлол шарофати билан ўзбек деҳқонининг ҳалол меҳнати самараси эндиликда ўзининг ҳақиқий баҳосини олаётгани ҳаммамизнинг қалбимизда ифтихор туйғусини уйғотаётир. Ярмаркада жаҳоннинг 36 мамлакатидан 250 дан зиёд компания ва фирма вакилларининг юртимизга келиб, ўзбек пахтасига харидор бўлиб тургани ҳар биримизни руҳлантириши табиий-да!

Халқ депутатлари Андижон ва Фарғона вилояти Кенгашларининг навбатдан ташқари сессиялари ҳам ўтган ойда республикамиз ҳаётидаги муҳим ижтимоий тадбирлар сирасидандир. Президентимиз мазкур сессиялардаги маърузаларида асосий масала қаторида юрт ободлиги, халқ фаровонлиги ва бу борада раҳбар кадрларнинг масъулияти хусусида алоҳида тўхталдилар.

Юртбошимиз маърузаларини тингларканман, беихтиёр бундан 20-25 йиллар бурунги бир воқеа хотирамда жонланди. Собиқ шўро даври, маъмурий-буйруқбозликка асосланган бошқарув авжга чиққан пайтлар.

Биз яшайдиган совхоз фақат қоракўлчиликка ихтисослашгани боис бошқа иш билан шуғулланишга йўл қўйилмас, бундан совхознинг ўша пайтдаги раҳбари ўзича норози бўлиб юрар, чунки хўжалик яйловларининг каттагина қисмини сув босган, бу жойлар шу хўжаликка тегишли, деб тайинланган, бироқ каттагина майдон қаровсиз ётарди. 80-йиллар хўжалик раҳбари одамларни йиғиб, Арнасойдан зовур тортиб, шу атрофда бир неча юз гектарни экин майдонига айлантиришга киришди. Ҳашар йўли билан узунлиги икки чақиримча катта ариқ ковланиб, бетон ётқизилди. Ер ҳайдалиб, экишга ҳозирланди. Лекин «юқори»нинг буйруғи билан ишлар тўхтатиб қўйилди. Шундан сўнг хўжалик раҳбари вилоят-у республика марказига югурди, бироқ бундан бир иш чиқмади. Чунки ўша пайтлар ташаббускорлик кўрсатиш у ёқда турсин, бирор жўяли таклиф айтган киши жазоланар ҳам эди. Хуллас, узоқ сур-сурлардан сўнг, хўжалик раҳбари ишдан олинди. Иши терговга ошиб қамалиб кетди...

Бугун юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳар биримиздан фидойиликни талаб этади. Шуқрлар бўлсинки, бугун бирор ишни бошлаш учун кимнингдир қовоғига қарайдиган, марҳамат кутадиган замонлар ўтиб кетди. Ишлайман, бой бўламан, деган одамга барча имкониятлар етарли. Лекин, афсуски, айрим жойларда ҳамон бошланган ислоҳотларга тўғаноқ бўлиб турган, нуқул ўз жиғилдонини ўйлайдиган раҳбарлар бор. Президентимиз Фарғонадаги йиғилишда қилган маърузаларида ана шу иллатни рўй-рост очиб ташладилар: **«Бундай амалда ўтирганлар, бугун оёғимизга кишан бўлаётганлар, аввало, ўзига наф топиш билан банд бўлиб, тадбиркор ва ишбилармонлар, тер тўкиб ишлайман, даромад топаман, ўзимга ҳам, юртимга ҳам фойда етказаман, деб интилаётганлар йўлида тўсиқ-гов бўлиб қолмоқда».**

Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг **«Куч адолатдадир»** деган ўгитларида ғоятда теран маъно мужассам. Дарҳақиқат, адолатга соя ташланган жойда олдинга силжиш ҳам, ўсиш-ўзгариш ҳам бўлмайди. Ўзингиз ўйланг, бутун бир шаҳарда коммунал хизмат тизими носозлигидан аҳоли азият чекса-ю, раҳбарлар ўзларига қулай шароитда бамайлихотир яшашса. Бундай ҳолатда одамларнинг раҳбарга ишончи қоладими? Ҳаёт шуни кўрсатаётирки, жойларда ислоҳотларнинг изчиллиги ва самараси, энг аввало, раҳбарга боғлиқ.

(Давоми иккинчи бетда)

ФИДОЙИГА ЭЛ ЭРГАШАДИ

Раҳбар ўз фаолиятида талабчанлик, керак бўлса, қаттиққўллик кўрсатиб, билими ва тажрибаси, дунёқараши, фидойилиги билан бошқаларга намуна бўлиб, ҳақиқий эл-юрт етакчисига айланмаса, ишда ҳеч қандай силжиш ҳам, ижобий натижа ҳам бўлмайди.

Ислом КАРИМОВ

Фақатгина давр билан ҳамнафас яшаётган, унинг юрак уришларидан бохабар, ўзининг ўй-хаёлини, орзу ва режаларини зукколик билан давр шитоби-ю шиддатига мослаштиришга қодир ва қобил инсонгина бу жараёнда ўзини йўқотмасдан ҳаракат қилади.

Тараққиёт талабларини ҳис этмаган ёки оддий томошабин сифатида қараб ўтирган киши эса зум ўтмай ҳаётдан орқада қолиб кетганини сезмай қолади. Агар у оддий фуқаро бўлса, кундалик турмушини ҳам ўнглай олмай, ночор аҳволга тушади, раҳбар бўлса, иззат-обрўсидан айрилади, элнинг назаридан қолади.

Чунки сиёсат ва иқтисодда, маънавият ва маданиятда, билим ва тажрибада кечаги кун мезонлари билан яшайдиган, фикрлайдиган кимсаларни даврнинг ўзи тан олмайди, инкор этади.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг яқингинада бўлиб ўтган халқ депутатлари Андижон ва Фарғона вилояти Кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларидаги маърузаларини қайта-қайта ўқир эканман, беихтиёр шу фикрлар хаёлимдан кечди.

Бунинг асосий сабаби шундаки, ўзбек халқи ўн беш йил давомида шўро тузумининг кул босган харобаларидан афсонавий қақнус қуш каби озодликнинг нурли осмонига дадил парвоз қилибгина қолмасдан, бани башарга ўзининг кимлигини, нималарга қодирлигини намойиш қилишга улгурди, дўстларнинг таҳсинини тинглаб, ғанимларнинг ҳасадини қўзғайдиган юксак мақомга сазовор бўлди. Мана шу ютуқларда аҳолиси 5 миллион 300 мингдан ортиқ бўлган икки вилоятнинг ҳам салмоқли улуши борлиги ҳеч кимга сир эмас.

(Давоми иккинчи бетда)

Ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида қонунлар лойиҳаларини тайёрлашда уларнинг сифатини жиддий тарзда кучайтириш талаб этилади. Бу эса, ўз навбатида, "Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида"ги янги қонун лойиҳасини тайёрлаб, қабул қилишни тақозо этди.

Huquqiy ma`rifat

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ

бу жараёнда қонун лойиҳасини тайёрлаш муҳим босқичдир

Аксарият мамлакатларда қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни парламентнинг қуйи палатаси муҳокамасига киритиш тартиби тўғрисида алоҳида қонун мавжуд эмас. Яъни қонунчилик ташаббусининг тартиб-тамойиллари алоҳида қонун билан мустаҳкамланмаган. Шу маънода, янги қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг ўзига хос ютуқларидан бири десак, муболаға бўлмайди.

Бугун қабул қилинаётган қонунлар инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар жиҳатдан ҳимоя қилишга, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишга қаратилгани билан эътиборга молиқдир. Биз сўз юритаётган қонун, мазмун-моҳиятига кўра, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектлар томонидан тайёрланиши режалаштирилган қонунлар лойиҳаларининг пишиқ ва пухта бўлишига ҳуқуқий замин яратади.

"Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида"ги қонун лойиҳаси Президентимизнинг 2005 йил 10 мартдаги **"Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури тўғрисида"**ги қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилган ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган. Олий Мажлис Сенатининг еттинчи ялпи мажлисида мазкур қонун қизғин муҳокамалардан сўнг маъқулланди.

Шуни айтиш керакки, ушбу қонун мазмун-моҳияти ва мақсадига кўра, қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга хизмат қилади. Қонун Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддаси ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунига мувофиқ бўлиб, хусусан, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга оширишнинг қуйидаги ҳуқуқий асосларини ўзида акс эттирган:

— **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги Конституциявий қонуни** (27-модда);

— **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида" ги қонунни** (12-модда);

— **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида" ги қонунни** (7-модда);

— **"Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида" ги қонунни ҳамда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари фаолиятига тегишли бошқа бир қанча қонун ҳужжатларини.**

"Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида"ги қонуннинг 3-моддасида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга қуйидаги субъектлар кўрсатилган:

— **Ўзбекистон Республикаси Президенти;**

— **ўз давлат ҳокимиятининг Олий вакиллик органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси;**

— **Қонунчилик палатаси депутатлари;**

— **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;**

— **Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди;**

— **Ўзбекистон Республикаси Олий суди;**

— **Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди;**

— **Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори.**

(Давоми учинчи бетда)

Munosabat

ФИДОЙИГА ЭЛ ЭРГАШАДИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Ҳақиқатан ҳам, истиқлол йилларида ушбу вилоятларнинг қиёфаси ҳар томонлама ўзгарди, янги замонавий технологиялар билан жиҳозланган, ўз маҳсулотларини жаҳон бозорига чиқараётган саноат корхоналари пайдо бўлди. Кенг миқёсдаги қурилиш ишлари амалга оширилди, ўнлаб шифохоналар, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, мактаблар бунёд этилди, замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Аҳолининг оғирини енгил, узоғини яқин қиладиган транспорт, алоқа, савдо, коммунал ва маиший хизмат тармоқлари ривожланди, шаҳар ва қишлоқлар ободонлашди, гўзаллашди.

Халқ ислоҳотларнинг самарасини ўз кўзи билан кўрибгина қолмасдан, унинг мевваларидан баҳраманд бўлмоқда, ўзини, ўзлигини англаб, куч-қудратига, яратувчилик салоҳиятига ишонч ҳосил қилибгина қолмай, турмушини фаровон, юртини обод, фарзандларининг келажагини равшан этиш йўлида сидқидилдан меҳнат қилмоқда.

Бу ўзгариш ва янгиланишлар, уларнинг халқ турмушига ижобий таъсири фақатгина рақамлар тарзида ифода этилса ҳам, бундан ўн беш йилги аҳвол билан еру осмонча фарқ борлигини кўриш мумкин.

Бутун халқ бунёдкорлик туйғуси, яратувчилик шижоати билан яшаётган мана шундай пайтда ўзини элга етакчи, деб ҳисоблаган раҳбар ким бўлиши лозим, унинг бурч нима, ўрни қаерда, деган ҳақли саволлар туғилади.

Давлатимиз раҳбари ўз маърузаларида мана шу долзарб саволларнинг жавобини аниқ ва батафсил баён қилиб бердилар. Зеро, бу фикрлар фақатгина иккала вилоятнинг раҳбариларигагина эмас, барчага, хусусан, ўзини мутасадди деб ҳисоблаган, хизмат вазифаасига кўра жамоанинг, туманнинг, вилоятнинг масъулиятини – аҳолисининг тақдири, истиқболи юкини зиммасига олган ҳар бир шахсга таалуқлидир.

Биринчи хулоса шуки, вилоят биринчи раҳбарлигининг залворли юкини, минглаб кишиларнинг тақдири учун жавобгарликни елкасига олган кишининг фақатгина **"яхши одам"** бўлиши етарли эмас, у энг аввало, чин маънодаги етакчи бўлиши лозим экан. Яъни, барча мезонлар бўйича халқдан бир қадам олдинда, бир бош юқорида юриш, келажакни кўра билиш, аҳолининг ташвиш ва эҳтиёжларини, талаб ва истакларини чуқур ҳис қилиш, ҳудуднинг камида беш йиллик тараққиёт йўлини белгилай олиш, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги муаммоларнинг илдизини теран англаб, уларнинг ечимини топишдек ноёб ва кўп қиррали хусусиятларни ўзида жамлаган шахс бўлсагина, ҳақиқий етакчи сифатида тан олинади. Шундагина унинг қалби ва вужудида мавж урган ғайрат-шижоат, ташаббускорлик, ташкилотчилик туйғуси бошқаларга юқади, эл билан тил топишиш, кўпчиликнинг бошини қовуштириш, улкан мақсадлар сари етаклаш осон кечади.

Мана шу хислатларга эга бўлмаган, эл ичида эл қатори яшаган, мақсади кун ўтказиш, мансабини сақлаб қолиш хаёли билан яшаган, хўжакўрсингагина ишлайдиган, натижада ўзига ишонган, суянган, таянган элнинг ишончини оқлай олмаган кимса эса назардан қолади.

Иккинчи хулоса шуки, бизнинг миллий анъаналаримизга кўра халқимиз ҳар бир раҳбар сиймосида ўзи ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоячисини кўради. Кимки раҳбар бўлса, у биринчи навбатда аҳолининг тинчлиги ва осойишталигига таҳдид соладиган хатарларни олдиндан пайқаши, унинг олдини оладиган чораларни ўз вақтида кўриши, фуқароларнинг хотиржам кўнгил билан яшаши, меҳнат қилиши, фарзандларини тарбиялашига шарт-шароит яратиши даркор. У айни пайтда қонунларнинг ҳам, ислоҳотларнинг ҳам, Ватан ва халқ равнақига хизмат қиладиган ташаббусларнинг ҳам, хайрли режаларга қўл урган ташаббускорларнинг суянган тоғи бўлиши даркор экан. Давлат ва халқ манфаатларини баб-баравар муҳофаза қилиш, ўртада адолатли мувозанатни сақлаш раҳбардан ўзига хос зукколикни, кенг билим ва дунёқарашни, мардлик ва матонатни талаб этади. Ҳар бир фуқаро раҳбар сиймосида ҳар қандай мушкул вазиятда суяниши, таяниши мумкин бўлган кучни кўргандагина, унга меҳр қўяди, қўллаб-қувватлайди, ўзи ҳам унинг таянчига айланади.

Учинчи хулоса эса, халқимиз маънавий-ахлоқий пок, қўли ва дили тоза, ҳаммани бир кўз билан кўрадиган, лафзи ҳалол инсонни яхши кўради, улуғлайди. Шахснинг замонавий раҳбар сифатида тан олинишига фақатгина етакчилик ва ҳимоячилик хусусиятигина кифоя қилмайди. У ҳақиқатдан билими, тажрибаси, руҳий қувватига таяниб, элни эзгу мақсадларга етаклаши, ғайратига қанот бериши, манфаатларини кўксини қалқон қилиб ҳимоя қилиши мумкин.

Айниқса, шахсий манфаатларига қул бўлган, ошнаоғайнигарчилик, маҳаллийчилик, уруғчилик гирдобига тушиб, элдан айри тарзда ҳашаматли ҳаётга, айш-ишратга, турли йўллар билан бойлик орттиришга интилган, нопок кимсаларнинг қонунга хилоф қилмишларига қарши курашиш ўрнига, уларнинг жиноий хатти-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаган, рағбатлантирган раҳбар қанчалик зўр ташаббускор, ташкилотчи бўлмасин, эл-юртдан таянч тополмайди.

Одамлар аччиқ-чучук кунларда елкадош бўладиган раҳбарни ёқтиради, унга эргашади, ҳавас қилади, ибрат олади. Бундай етакчининг қаттиққўллигига ҳам, талабчанлигига ҳам чидайди, адолатли йўлини, албатта, қўллаб-қувватлайди.

Ҳақиқатан ҳам, элнинг умид-ишончини оқлайдиган раҳбар бўлиш оғир, бу ишнинг уддасидан чиққан кишигина чинаккам етакчилик шарафига сазовор бўлади.

Бахтиёр РИЗО

РАҲБАРЛИК МАСЪУЛИЯТИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Бугун қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, хўжаликлар иқтисодий жиҳатдан тўла оёққа туриб олаётган бир даврда баъзи ўзгариш нафаси сезилмаган қишлоқлар ҳам учрайдики, бундай ҳолат раҳбар масъулияти ҳақида қайта-қайта ўйлаб кўришга мажбур этади.

Тарихдан маълумки, Соҳибқирон Амир Темур буюк бир салтанат эгаси бўлганларида ҳам ободончиликни бунёдкорликни эътибордан соқит этмаган. «Қаердаки бир дарахтни суғурсам, ўрнига етти ниҳол ўтқаздим», деган жаҳонгир бобомизнинг ўгитлари бугун биз авлодларга ўрнак ва дастуриламал бўлиши лозим.

Дарҳақиқат, раҳбар шижоатли бўлса одамлар албатта, унинг атрофига жипслашади. Эл-юрт корига ярайдиган, етакчиликни яшаш тарзи, деб билган раҳбарнинг юзи эл-юрт олдида ҳамиша ёруғдир.

Андижондаги йиғилишда Президентимиз ўтган йил май ойида Андижонда содир бўлган мудҳиш воқеаларнинг туб илдизи ҳақида гапирар экан, бўлиб ўтган воқеаларга, аввало, шу юртда яшаётган аҳолининг дарду ташвишларидан ўз вақтида хулоса чиқармаган, одамларнинг интилиш ва кайфиятларини инобатга олган ҳолда муаммоларни ечишга ҳаракат қилмаган вилоят раҳбарларининг ҳам айби борлигини уқтириб ўтди. Ўша мудҳиш воқеалар замирида, Президентимиз тўғри таъкидлаганидек, эътиборсизлик, ўзибўларчилик каби иллатлар ётгани тайин.

«Энг муҳими, Андижон аэропортига қадам қўйишим билан мен биринчи бўлиб ким билан учрашишни сўрадим. Аввало, маҳалла оқсоқоллари, Андижон фахрийлари, эл-юрт кайвонилари билан. Улар билан учрашиб, мана шундай оғир ва ҳал қилувчи дамда ҳар томонлама маслаҳатлашиб, фикрлашиб олганимиз нақадар тўғри бўлганини бугун орадан шунча вақт ўтиб, кўп нарса очилгандан кейин яна бир карра чуқур ҳис этмоқдаман», деди Президентимиз ўша воқеаларни хотирлаб.

Борди-ю, Президентимиз ўша куни тонгда Андижонга бориб, зарур чоратадбирларни кўрмаганларида нима бўларди? Тасаввур қилиш қийин эмас.

Бугунги кунда юртимизда ёшлар таълим-тарбиясига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётир. Таълим тизимидаги ислоҳотлар, янги, замонавий андозаларда қурилиб жиҳозланган мактаб ва коллежлар, юзлаб ёшларимизнинг чет элнинг нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олаётгани ёш авлодга кўрсатилаётган чинакам ғамхўрликдир.

Президентимиз Фарғонадаги йиғилишда мамлакатимизнинг истиқболи ҳақида гапираркан, эртанги кунимиз бевосита ёшларга боғлиқлигини назарда тутиб, жумладан, шундай деди: **«Бу борада мен бугун ҳаётга кириб келаётган, замонавий билимларни эгаллаётган ёшларимизга катта умид ва ишонч билан қарайман. Чунки ўз олдимизга қўйган ана шундай юксак мақсадларга эришиш учун ёшларимизда барча имконият — ақл-завокат ҳам, куч-ғайрат ҳам етарли. Энг муҳими, фарзандларимиз дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган инсонлар бўлиб вояга етиши учун давлатимиз, жамиятимиз барча шарт-шароитларни яратиб бермоқда. Фурсатдан фойдаланиб ёшларимизга мурожаат қилмоқчиман: «Ҳеч қачон бўш келманглар, азиз фарзандларим!».**

Албатта, шундай юксак ишонч билан амалга оширилаётган эзгу ишлар ўз самарасини беради. Президентимиз ўша йиғилишда таълим ва бевосита ёшларга яратилаётган шароитлар хусусида тўхталиб, бу борада йўл қўйилган камчиликларни ҳам таъкидлаб ўтди. Хусусан, телевидение ва турли хил видеоаудио ёзувлари орқали юртимизга кириб келаётган миллий табиатимизга мутлақо ёд мусиқа ва кино маҳсулотлари ёшларимиз тафаккурини бузаётгани, бу ҳолни кўпчилигимиз ҳатто сезмай қолаётганимиз эртага жиддий йўқотишларга олиб келиши мумкин. Ҳозирги кунда бола онгини шакллантиришнинг замонавий усуллари — телевизор, компьютер, газета-журналлар кенг қўлланилмоқда. Лекин масаланинг муҳим томони шундаки, уларда биз ёшлар онгида миллий қадриятларга ҳурмат-эътиборни ўстирадиган қандай мақолаларни, кўрсатувларни тақдим этаяпмиз — ҳамма гап шунда.

Буюк келажак сари дадил одимлаётган мамлакатимиз биздан ватанпарварликни, ташаббускорлик ва фидойиликни талаб этаётир. **«Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш»** бугун ўзини шу юртнинг фарзандиман, дейдиган ҳар бир инсон учун шараф бўлмоғи керак.

Инсон боласи тирик экан, ўзи яшаётган макон ва замон олдида умр бўйи масъулдир. У бажараётган аъмоллар ўша даврнинг энг илғор юмушларидан бўлмоғи, элу юрт, қоларверса, умумбашар дарду ўйини ўзида акс эттирмоғи керак.

Ўрол СОДИҚ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Tahlil va saboq

КРЕДИТ ПУЛИГА – «ДАМАС»

ёки сохта тадбиркорнинг фош этилганлиги хусусида

Маълумки, иқтисодиётимиз ва қишлоқ хўжалигидаги эркинлаштириш жараёнлари кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида ижобий ўзгаришларга олиб келмоқда. Энг муҳими, одамларнинг ўз имкониятларини рўёбга чиқариш учун ўз кучига, ақл-завокатига ишончи ортиб бормоқда. Энг муҳими, бу борада жамиятимизда таъсирчан механизмлар ва ҳуқуқий асослар ҳам яратилган.

Ромитон туманидаги «Бахтиёрчи» қишлоғилик Берди Ражабов ҳам ўзи раҳбар бўлган «Акбаршоҳ-Лидез» хусусий корхонаси орқали 2003 йил 4 сентябрь куни АТ «Саноатқурилишбанк»нинг Бухоро минтақавий филиали бошлиғи номига ариза ёзиб, қорамол ва мол озуқаси сотиб олиш мақсадида уч йил муддатга етти миллион сўм микрокредит ажратишни сўради.

Тадбиркорнинг нияти хайрли, ишлайман, деганга ёрдам бериш давр талаби бўлганлиги учун банк раҳбарияти аризага тўғри муносабат билдирди. 2003 йил 8 сентябрда тарафлар ўртасида шартнома имзоланди. Банк шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бекаму кўст бажариб, 2006 йил 8 сентябрга қадар қайтариш шарти билан қорамол ва емхашак сотиб олиш учун Берди Ражабовга 7.000.000 сўм миқдорида кредит берди.

Маълумки, Фуқаролик кодексининг 264-моддасида бир шахснинг бошқа шахсга молмулки ёки унга бўлган ҳуқуқий мажбуриятларини таъминлаш учун бериши гаров ҳисобланиши кўрсатиб ўтилган. Шунга кўра, берди Ражабов ҳам ҳужжатларни қойилмақом қилиб тайёрлади. Олинган кредитни ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш мақсадида гаров шартномаси тузилди. Шартномага асосан қарз олувчи тараф ўзига тегишли бўлган Ромитан туманидаги «Қўрғон» қишлоқ фуқаролар йиғини «Бахтиёрчи» қишлоғида жойлашган умумий ер майдони 28.982 квадрат метр бўлган савдо дўкони ва омборхона биносини гаровга қўйди. Тарафлар иштирокида тузилган далолатномага асосан савдо дўкони ва омборхона биноси 7.935.016 сўм миқдорда баҳоланди. Гаров шартномаси тегишли тарзда, қонун доирасида нотариал тасдиқланди. Кредитнинг гаров билан таъминланмаган 1.500.000 сўм қисмини «Мадад» суғурта агентлиги Бухоро филиали тўлашни ўз зиммасига олиб, суғурта полиси ҳам берди.

Тарафлар ўртасида тузилган суғурта шартномасининг 7.2-бандига кўра кредит муддатида қайтарилмаса, банк ёки суғурталанувчи идора томонидан 30 банк куни ичида ёзма равишда ариза бериб, суғурта ҳолати рўй берганлигини исботловчи ҳужжатлар тўпламини суғурта агентлигига тақдим этиши шартлиги кўрсатилган. Шартноманинг мазкур бандига асосан кредит берувчи банк суғурта агентлигини «Акбаршоҳ Лидез» хусусий корхонаси 2004 йилнинг октябрь ойидан бошлаб кредит суммаси ва фоизларини тўламасдан келаётганлиги ҳақида хабардор қилмаган.

Даъвогар АТ «Саноатқурилишбанки» Бухоро минтақавий филиали «Акбаршоҳ Лидез» хусусий корхонаси ва «Мадад» суғурта агентлигидан 7.000.000 сўм кредит суммаси, 2.080.000 сўм кредит фоизи, жами 9.080.000 сўм ундиришни сўраб, ариза билан вилоят хўжалик судига мурожаат қилди.

Фуқаролик кодексининг 949-моддасига кўра, мулкий суғурта шартномасининг амал қилиш даврида суғурта қилдирувчи (наф олувчи) шартнома тузилаётганда суғурталовчига маълум қилинган ҳолатларда юз берган, ўзича маълум бўлган муҳим ўзгаришлар тўғрисида, агар бу ўзгаришлар суғурта хавфи ортишига жиддий таъсир кўрсатса, суғурталовчига дарҳол хабар қилиши шарт. Тарафлар ўртасида тузилган уч томонлама суғурта шартномасининг 7.5. бандининг «в» қисмига асосан агар суғурта қилдирувчи (наф олувчи) ўз вақтида суғурта ҳодисаси ҳақида суғурталовчига хабар бермаса, суғурталовчи қопламасини тўлашни рад қилишга ҳақли. Мазкур ишда аён бўлишича, кредит берувчи, яъни даъвогар суғурта агентлигини жавобгар томонидан кредит суммаси ва фоизларини тўламасдан келаётган бўлишига қарамасдан хабардор қилмаган.

Хўш, ҳуқуқий хулоса қандай бўлиши мумкин? Аёнки, суд «Мадад» суғурта агентлиги Бухоро филиалини жавобгарликдан озод қилди.

Қизиғи шундаки, «Акбаршоҳ Лидез» хусусий корхонаси 2003 йил 5 сентябрдаёқ қорамол ва омухта ем сотиб олиши учун Жондор туманидаги «Али Бах» МЧЖ билан олдисотди шартномаси тузади. Шартноманинг 3.3. бандига кўра сотиб олинадиган маҳсулотлар учун олдиндан 100 фоиз пул тўлагандан кейин маҳсулот сотиш келишилган. Мазкур шартномага асосан «Акбаршоҳ Лидез» хусусий корхонаси банкдан олинган 7.000.000 сўм кредит пулини 2003 йил 15 сентябрь куни 1-сонли тўлов топшириқномасига биноан 25 бош қорамол, 4 тонна аралаш озуқа, 6 тонна шелуха учун «Али-Бах» МЧЖга кўчириб берган. Бироқ суд мажлиси чоғида Берди Ражабов олинган маҳсулотлар ва қорамолларнинг ҳужжатларини тақдим эта олмади.

Аслини олганда, кредит мақсадсиз ишлатилган.

— Мен кредит пулига «Дамас» автомашинаси сотиб олгандим. Шартнома ҳужжатларида кўрсатилган «Бахтиёрчи» қишлоғида гаровга қўйилган савдо дўконим ҳам йўқ. Маълум вақт берилса, кредит суммасини ва унга ҳисобланган фоизларни ҳам тўлайман, — деди суд мажлисида Берди Ражабов. — Ғайриқонуний иш тутганимни, алдов йўлига ўтганимни тан оламан.

Бироқ қонун сохта тадбиркорларни, мансаб ваколатини суиистеъмол қилганларни, ҳужжатларни қалбакилаштирганларни кечирмайди. Шу йил 9 июнь куни мазкур ҳолатлар бўйича Берди Ражабовга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан жиноят иши қўзғатилди.

Халқимиз тўғрига дуо ёғилур, эгрига бало ёғилур, деб бежиз айтмаган. Сохта тадбиркор қўйган эгри қадами учун қонун ва виждон олдида жавоб беради.

Валижон ЮСУПОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Qilmish-qidirmish

НАФС ҚУТҚУСИГА УЧИБ...

Беруний шаҳрининг жанубий тарафида, овлоқ бир жойда «Қишлоқхўжаликкимё» ҳиссадорлик жамиятининг туман бўлинмаси жойлашган. Мазкур корхонанинг битта марказий ижара омборхонаси бор, унда «А-селитра» минерал ўғити сақланади. Омборхона еттита минерал ўғит тарқатиш шохобчаларини маҳсулот билан таъминлаши лозим.

Сотимбой Эшимбетов 2005 йил 28 февралдан 30 августга қадар шу омборхонада мудир бўлиб хизмат қилди. Ўша йил август ойида у «Навоий-азот» заводи томонидан омборхонага 2006 йил ҳосили учун жўнатилган 708,8 тонна «А-селитра» минерал ўғитини қабул қилиб олди. Аммо нафси қутқусига учган мудир кимёвий ўғитнинг умумий нархи 3 миллион 214 минг 20 сўмлик 20 тоннасини автомашина ҳайдовчилари ва ёлланма ишчиларга транспорт ва меҳнат ҳақлари учун тақсимлаб берганини важ қилиб кўрсатиб, давлат мулкини талон-тарож қилиб, катта миқдорда камомадга йўл қўйди.

Ҳиссадорлик жамиятига қарашли 3-сонли минерал ўғитларни тарқатиш шохобчаси мудири Олимжон Отамуродов ҳам баднафсликда Сотимбойдан қолишмайди, у мансаб ваколатидан чўнтакни қаппайтириш мақсадида фойдаланиш одат қилди. У тумандаги Улуғбек номидаги деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмаси ҳудудидаги Жуманазар Каримов бошлиқ 4-фермер хўжалигига 15 гектар майдондаги кузги буғдой учун 1800 килограмм селитра бериши лозим эди. Аммо ҳийлагар мудир 84-сонли юк хатида ўғит ҳажмини 1800 килограмм, деб кўрсатган ҳолда, фермерга 1550 килограмм ўғит бериб, қолган 250 килограммини ўз ҳисобига урди. Айрим қоплардаги ўғит вазни белгиланганидан камлиги инобатга олинса, О.Отамуродов фермер хўжалиги ҳисобидан 394 килограмм ўғитни «уриб қолган»и аён бўлади. Шохобча мудири буларга қўшимча равишда, бўлинмага тегишли 344 килограмм «А-селитра» ва 567 килограмм «Супрефос» минерал ўғитларини ўзлаштириб, талон-тарож қилди ва бўлинмага 242 минг 770 сўмлик моддий зарар етказди.

Эҳтимол, бу кимларгадир унча «катта ўмариш»дек туюлмас. Бироқ жиноятнинг катта-кичиги бўлмайди. Қолаверса, «Сўқирнинг сўнгига боқ», деган нақл ҳам бежизга айтилмаган.

Абдулла Алланазаров «Навоий-азот» заводининг тумандаги ижара омборхонаси мудири бўлиб ишлаб, 2006 йил 5 майда ўзига ишониб топширилмаган, ўзгалар мулки — 48 қоп (жами 2400 килограмм), нархи 462 минг 816 сўмлик «А-селитра» минерал ўғитини тап тортмай, Амударё туманида истиқомат қилувчи Бекимат Ўрозалиевга 500 АҚШ долларига пуллаб юборди. Суд жараёнида эса, Бекимматнинг Амударё туманида яшашидан бехабар экнини баҳона қилди. Мантиқсизликни қаранг: хўш, «харидор» беруниийлик бўлса, омбордаги ўғитни истаганча пуллайвериш мумкин экан-да?

Абдулла Алланазаровнинг кирдикорлари бу билан якун топмайди. «Қишлоқхўжаликкимё» ҳиссадорлик жамияти туман бўлинмаси бошлиғи Ойбек Машарипов ўз мансаб ваколатидан фойдаланиб, омборхона мудири Абдулла Алланазаровни ҳузурига чорлайди. Унга Элликқалъа туманидаги «Полвон» темир йўл станциясидан 500 қоп, жами 25 тонна «А-селитра» ва 50 тонна карбамид минерал ўғитини олиб келиб, Алишер Навоий номидаги деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмаси ҳудудидаги яқин қариндошлари ҳовлисига жойлаштиришни буюрди. Топшириқ икки кун ичида бекаму кўст адо этилди. Бошлиқ томонидан жуда катта миқдордаги давлат маблағининг ўзлаштирилиши режалаштирилган эди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг тезкор ҳаракатлари туфайли бу қабиҳ ният амалга ошмади ва маблағ давлат ҳисобига қайтарилди.

Ойбек Машарипов тергов ва суд жараёнида «шошган ўрдак ҳам боши, ҳам думи шўнғийди» қабилида иш тутди. У найрангбозлик қилиб, гўё туманда минерал ўғитлар тарқатиладиган шохобча йўқлиги, фермерларга қулайликлар туғдириш мақсадида кимёвий дориларни ўша ҳудуддаги қариндошлари уйига туширганини айтиб, мажлис аҳлини чалғитмоқчи бўлди, содир этилган жиноятларнинг биронтасида айби йўқлигини айтиб, лоф урди.

Қонун сўзамолликни тан олмайди. Шунга кўра, жиноят ишлари бўйича Беруний туман суди 2006 йилнинг 25 августида айбдорларнинг қилмишларига муносиб баҳо берди. Сотимбой Эшимбетов, Олимжон Отамуродов, Абдулла Алланазаров суд ҳукми билан маълум муддатга ахлоқ тузатиш ишига жалб қилинди. Ойбек Машариповга энг кам ойлик иш ҳақининг 350 баравари миқдорида жарима жазоси тайинланди. Айбдорлар эгаллаб турган лавозимларда, масъул вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилди.

Жиноий қилмишнинг йўли шу тариқа тўсилди. Беруний туман кимё корхонасида содир этилган жиноий қилмиш бошқаларга сабоқ бўлар, деб умид қиламиз.

Мирзаахмад АЙМАНОВ,
ҳуқуқшунос

Mulogot

ИСТЪЕМОЛЧИ ҲУҚУҚИ КАФОЛАТИ

— Менинг истеъмолчилик ҳуқуқим бузилса, ушбу ҳуқуқни ҳимоя қилишни сўраб, маҳаллий ҳокимият идорасига мурожаат қилсам бўладими?!.

Б. КАРИМОВ,
Термиз шаҳри

— Ҳа, сиз ўз ҳуқуқингизни ҳимоя қилишни сўраб ҳокимиятга мурожаат этишингиз мумкин. Чунки **«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги қонуннинг 24-моддасига мувофиқ, истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши учун маҳаллий ҳокимият идоралари;

- истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бажарилишини ташкил этадилар;

- истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ваколати берилган давлат идоралари ва истеъмолчиларнинг шикоятлари жамоат бирлашмалари билан ҳамкорлик қиладилар;

- истеъмолчиларнинг шикоятлари, аризалари ва таклифларини кўриб чиқадилар;

- истеъмолчиларнинг (истеъмолчилар номуайян доирасининг) ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, судларга мурожаат этадилар;

- ўз ҳуқуқлари доирасида бошқа ваколатларни ҳам амалга оширадилар.

АЛМАШТИРИШ МУДДАТИ БЕЛГИЛАНГАН

— Менинг паспортим жилди анча эскириб қолди. Шу боис уни янгисига алмаштирсам бўладими? Умуман, қандай ҳолларда паспорт алмаштирилади ва алмаштириш муддати қанча?

С. РАҲИМОВ,
Гулистон шаҳри

— Сизнинг саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, давлатимиз раҳбарининг 1999 йил **«Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисида»**ги Фармонига илова қилинган. **«Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисида»**ги Низомнинг 16-бандига мувофиқ, қуйидаги ҳолларда паспорт алмаштирилади:

- паспортнинг амал қилиш муддати тугаганда;

- фамилияси, исми, отанинг исми ўзгарганда;

- миллатини, туғилган йилини ўзгартирганда;

- ёзувлардаги чалкашлик аниқланганда;

- виза ва алоҳида белгилар учун мўлжалланган варақалар тўлганда;

- фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келганда.

Ушбу Низомнинг 17-бандига мувофиқ, фуқаро тегишли ёшга тўлгандан сўнг ёки фамилияси, исми, отасининг исмини, туғилган йили ва миллатини ўзгартирган, ёзувдаги чалкашлик аниқланган ва паспорт фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келиб қолгач, бир ой муддатдан кечиктирмай, паспорт аниқ муддатга берилган ҳолларда эса — паспортнинг амал қилиш муддати тугаган пайтдан бошлаб уч кун муддатда паспорт олиш ёки уни алмаштириш учун ҳужжатларни тақдим этиш керак. Ўзбекистон Республикаси фуқароси хорижга жўнаб кетган тақдирда, агар паспортни амал қилиш муддати олти ойдан камроқ ёки кириш визасидаги муддатни ташкил этса, паспорт алмаштирилиши мумкин.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ҚАНДАЙ ҲУҚУҚЛАРГА ЭГА

Мен ўз имкониятларимдан келиб чиқиб, фермер хўжалиги ташкил этиш ниятидаман. Айтинг-чи, фермер хўжалиги қандай ҳуқуқларга эга?

А.ДИЁРОВ,
Каттақўрғон тумани

— **«Фермер хўжалиги тўғрисида»**ги қонуннинг 16-моддасида фермер хўжалиги қуйидаги ҳуқуқларга эга эканини белгиланган:

— берилган ер участкасида ўз уставида назарда тутилган ихтисослашувга ва ижарага олиш шартномасига мувофиқ хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш;

— ихтисослашувни ҳисобга олган ҳолда ва тузилган контрактация шартномалари асосида қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштиришни амалга ошириш;

— харид қилинадиган маҳсулотга олдиндан ҳақ тўланадиган фьючерс контрактлари тузиш;

— етиштирилган маҳсулотни, шу жумладан, бу маҳсулотни истеъмолчиларга реализация қилиш ҳуқуқини ўз хоҳишига кўра тасарруф этиш;

— етиштираётган маҳсулоти, бажараётган ишлари ва кўрсатаётган хизматларига нарх белгилаш;

— электр энергияси, ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари етказиб берилиши, хизматлар кўрсатилиши юзасидан шартномалар тузиш;

— тадбиркорлик фаолиятидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ солинадиган, чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиш;

— олган даромадалари (фойдасини), банк муассасасидаги ўзининг ҳисоб варақларида бўлган пул маблағларини тасарруф этиш;

— акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар олиш;

— кредитлар олиш, бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини ҳамда бошқа мол-мулкини шартнома асосида жалб этиш ҳамда уларни ишлаб чиқаришга ва такрор ишлаб чиқаришга йўналтириш;

— кредитлар олиш учун ўз мол-мулкини, шунингдек, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйиш;

— кичик ҳамда хусусий корхоналар учун берилган имтиёзлар ва преференумларнинг барча турларидан фойдаланиш;

— зарур асбоб-ускунлар, ишлаб чиқариш воситалари ҳамда бошқа мол-мулкни олиш, ижарага олиш, бинолар ва иншоотлар қуриш ҳамда уларни таъмирлаш;

— ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш каби ҳуқуқларига эга.

БОЖХОНА НАЗОРАТИ НИМА?

Божхона назорати деганда нимани тушунамиз? У қандай йўллар билан амалга оширилади?

З.СОДИҚОВ,
Хоразм вилояти

Божхона кодексининг 39-моддасига мувофиқ Божхона назорати божхона идораларининг мансабдор шахслари томонидан қуйидаги йўллар билан ўтказилади:

— божхона мақсадлари учун зарур бўлган ҳужжат ва маълумотларни текшириш;

— жисмоний ва мансабдор шахсларни оғзаки сўраб-суриштириш;

— божхона кўригидан ўтказиш;

— товарлар, транспорт воситалари, бинолар ва бошқа жойларни божхона томонидан қиёслаш;

— товарлар ва транспорт воситаларини ҳисобга олиш;

— ҳисобга олиш ва ҳисобот тизимини текшириш;

— божхона назоратидан ўтказилиши лозим бўлган товарлар ва транспорт воситалари туриши мумкин бўлган ёхуд назорат қилиш божхона идоралари зиммасига юклатилган фаолият амалга оширилаётган ҳудудлар, бинолар ва бошқа жойларни текшириш;

— қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шакларда.

Божхона назорати ўтказилаётганида инсон, ҳайвонот ва ўсимликлар ҳаёт ва соғлиғи учун хавфсиз бўлган ҳамда товарлар ва транспорт воситаларига зиён етказмайдиган техникавий ва бошқа воситалар қўлланиши мумкин.

Саволларга юридик фанлари номзоди Саломат НИЁЗОВА жавоб берди

Huquqiy ma`rifat

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ

бу жараёнда қонун лойиҳасини тайёрлаш муҳим босқичдир

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларининг таркиби кенглиги қонун ижодкорлиги жараёнида катта аҳамиятга эга. Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси субъектлари томонидан ***қонунлар лойиҳаларини киритиш*** орқали амалга оширилади.

Қонуннинг муҳим ютуқларидан бири — бу жараёнга жамият аъзоларини жалб этиш учун шароит яратилгани билан изоҳланади. Яъни қонуннинг 8-моддасига биноан, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлмаган давлат органлари, нодавлат ташкилотлар ва фуқаролар қонунлар лойиҳаларини ёки янги қонун қабул қилиниши, қонунга ўзгартишлар, қўшимчалар киритилиши, шунингдек, амалдаги қонунни ёки унинг бир қисмини ўз кучини йўқотган, деб топиш зарурлиги тўғрисидаги таклифларни қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти кўриб чиқиши учун киритиши мумкин. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлмаган давлат идоралари, нодавлат ташкилотлар ёки фуқаролар томонидан киритилган қонун лойиҳаларини ёхуд таклифларни қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти ўзи ишлаб чиқаётган қонунлар лойиҳалари учун асос сифатида қабул қилиши мумкин.

Қонунларнинг сифати қонун лойиҳасини тайёрлашнинг қанчалик тўғри ташкил этилганига боғлиқ. Қонуннинг иккинчи боби қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнини тўла қамраб олган. Хусусан, қонуннинг 9-моддасига мувофиқ, қонун лойиҳасини тайёрлаш:

— бу тўғридаги таклифни кўриб чиқиш ва уни тайёрлаш бўйича қарор қабул қилишни;

— қонун лойиҳасини тайёрлашни ташкилий-техникавий ва молиявий жиҳатдан таъминлашни;

— зарур материал ва ахборотларни тўплашни;

— қонун лойиҳасининг концепциясини ишлаб чиқишни;

— қонун лойиҳасини тузишни;

— ҳуқуқий ва бошқа зарур экспертизалар ўтказишни ўз ичига олади.

Қонун лойиҳасини тайёрлашдан мақсад қонунни ҳар тарафлама маромига етказишдир. Бунда, албатта, ишчи гуруҳ (комиссия) томонидан мутахассислар, экспертлар, илмий муассасалар жалб этилади, жамоатчилик таклиф-мулоҳазалари ўрганилади ва уларни умумлаштириш асосида қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнидаги вазифалар амалга оширилади. Шунингдек, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти мазкур жараёнда муқобил қонун лойиҳаларини тайёрлашни давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларга, фуқароларга ўз ваколати доирасида топшириши мумкинлиги ёки улар билан шартномалар тузиши, қонуннинг энг яхши лойиҳаси учун танловлар эълон қилиши муҳим аҳамиятга эга.

"Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида"ги қонуннинг яна бир муҳим ютуғи унда қонун лойиҳасини бир неча қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари билан биргаликда тайёрлашнинг ҳуқуқий механизми белгиланганидадир.

Мазкур қонуннинг 12-моддасига мувофиқ, қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасига унинг концепцияси баён қилинган тушунтириш хати билан тақдим этилади.

Қонун лойиҳасининг концепцияси қонуннинг мазмун-моҳиятини очиб берувчи асосий ғоялар тизимини ўзида акс эттириши лозим. Айнан концепция қонун лойиҳасининг ғоявий асоси ҳисобланади. 12-моддада концепцияда акс этиши лозим бўлган қуйидаги асослар кўрсатилган: **ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг асосий ғояси, мақсади ва предмети; тегишли ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг амалдаги қонунлар ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили илова қилинган умумий тавсифи ва ҳолатига берилган баҳо; қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурияти; қонун лойиҳасининг асосий қоидалари; бўлғуси қонуннинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа оқибатлари тахмини.**

Қонуннинг 13-моддасида эса, ***қонунлар лойиҳаларига қўйиладиган асосий талаблар*** кўрсатилган. Уларга кўра, қонунлар лойиҳаларини тайёрлашда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг принциплари ва меъёрлари ҳисобга олиниши лозим. Албатта, қонунлар лойиҳалари қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқ тайёрланиши керак.

Ушбу қонуннинг 14-,15-,16-моддаларини 13-модданинг мантиқий давоми, дейиш мумкин. Яъни қонунчилик ҳолатини ва ҳуқуқнинг қўлланиш амалиётини ўрганиш, халқаро тажрибани ҳисобга олиш, шунингдек, жамоатчилик фикрини ўрганиш қонун лойиҳасини тайёрлашнинг ички жараёни бўлса, қонунчилик ташаббуси субъекти томонидан бошқа қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларига, манфаатдор давлат органлари, нодавлат ташкилотлар, илмий муассасаларга тақриз учун юборилиши лойиҳанинг ташқи субъект фикри асосида такомиллашувига хизмат қилади. Таъкидлаш жоизки, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти қонун лойиҳасини тақриз учун қонун лойиҳаси билан боғлиқ ишлар тугалланиб, у бўйича экспертиза ўтказилганидан сўнг юборади.

"Қонунлар лойиҳаларининг мазмунига қўйиладиган асосий талаблар. Қонун лойиҳаларининг экспертизаси" деб номланган учинчи боб қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнининг муҳим қисмини ҳуқуқий тартибга солади. Қонун лойиҳаси устидаги ишлар тугаллангач, унинг сифатига баҳо бериш учун, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектининг қарорига биноан, лойиҳа ҳуқуқий ва бошқа хил (иқтисодий, молиявий, илмий-техникавий, экология каби) экспертизалардан ҳам ўтказилади. Экспертлар томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазалар тавсия хусусиятига эга бўлиб, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти улардан умумлаштириш асосида, фойдаланиши мумкин. Қонуннинг 24-моддасига кўра, қонун лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши лозим. Ҳуқуқий экспертиза ўтказилаётганда қонун лойиҳаси меъёрларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, қонун ҳужжатларига, шунингдек, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги текширилади. Мазкур меъёрда ҳуқуқий экспертиза кимлар томонидан амалга оширилиши тўғрисидаги қоида ҳам белгиланган. Унга биноан, ҳуқуқий экспертиза қонун лойиҳасини тайёрлаган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектининг юридик хизмати, шунингдек, Адлия вазирлиги томонидан ўтказилиши мумкин.

Бир нечта қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан тайёрланган қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритиш тўғрисидаги қарор ҳар бир қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти томонидан алоҳида қабул қилинади. Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритиш тўғрисидаги қарорга қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти ўзининг вакилини киритади, вакил қонун лойиҳасини қонунчилик палатасида кўриб чиқишда иштирок этади.

Қонунчилик палатасига киритилган қонун лойиҳаси матнини қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти томонидан ўзгартириш; қонунчилик палатасига киритилган қонун лойиҳасини қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти томонидан чақириб олиш; қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига қайта киритиш; қонун ҳужжатларини ушбу қонунга мувофиқлаштириш тартибларининг ҳуқуқий асослари қонун лойиҳалари устида ишлаш жараёнининг самарали олиб борилишига хизмат қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу қонун қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан ишлаб чиқиладиган қонун лойиҳаларининг пухта тайёрланишига, парламентимиз томонидан олиб бориладиган қонун ижодкорлиги фаолиятининг самарали ташкил этилишига муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Мухтабар ҲУСАНОВА,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими

Xabar

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Ҳудудий адлия бошқармалари томонидан талабгорларга 6 минг 208 та адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар берилди.

Адлия идоралари кичик ва хусусий тадбиркорлар, фермерлар, шу жумладан, хорижий инвесторлар ва улар иштирокидаги корхоналар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва шартномавий муносабатларни яхшилашга қаратилган таъсирчан механизмни ишлатиб келмоқда. Тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини суд тартибида, тақдимнома киритиш йўли билан тўлиқ тиклаш, қонунбузилишда айбдор мансабдор шахсларни қатъий жавобгарликка тортиш, ноқонуний қарорларни бекор қилиш ёки ижросини тўхтатиш самарали натижасини бермоқда. Хусусан, ҳисобот даврида судларга 41,4 миллиард сўмлик ва 215 минг АҚШ доллари миқдорида 15 минг 446 та даъво аризалари киритилди. Шундан, 27,7 миллиард сўмлик ва 149,6 минг АҚШ доллари миқдоридаги 13 минг 334 та даъво аризалари судлар томонидан қаноатлантирилди.

Адлия идоралари ходимлари қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб бериш шартномаларини тузиш жараёнида бевосита иштирок этиб, шартномаларнинг белгиланган ҳажмларга мувофиқ қонуний тузилишини таъминлаш чораларини кўрмоқда. Хусусан, адлия идоралари ходимлари республикамизда 2006 йил давлат эҳтиёжи учун 3,6 миллион тонна пахта хом-ашёси етказиб бериш бўйича 83 минг 584 та, 2006 йил ҳосилидан 2,6 миллион тонна мева-сабзавот, полиз, узум, картошка маҳсулотлари етказиб бериш бўйича 58 минг 831 та ҳамда 2007 йил ҳосилидан давлат эҳтиёжи учун жами 2,7 миллион тонна бошоқли дон етказиб бериш юзасидан 82 минг 120 та контрактация шартномалари тузишда ҳуқуқий ёрдам кўрсатдилар.

Шунинг билан бирга ҳайъатда ижро интизомини мустаҳкамлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, ижро муддати бузилишининг ҳар бир ҳолати фавқулодда ҳолат ҳисобланиши ва айбдорларга кескин чоралар кўрилиши таъкидланди.

Ҳайъат йиғилишида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди ва келгусидаги режалар белгилаб олинди.

Адлия вазирлиги матбуот хизмати

Mitti maslahat

ҚАЛБАКИЛАШТИРИШ

У ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Ҳа, бундай ноқонуний ҳаракат учун қонунда жазо чоралари белгиланган. Хусусан, Жиноят кодексининг 228-моддасида ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Ушбу моддага мувофиқ: **«сохталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатлар тайёрлаши ёки расмий ҳужжатларни қалбакилаштириши ёхуд бундай ҳужжатларни сотиши, шундай мақсадларда корхона, муассаса ёки ташкилотнинг қалбаки штамплари, муҳрлари, бланкаларини тайёрлаш ёхуд сотиш,**

- энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса:

— икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланиш:

- энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорида жарима ёки икки йилагча ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Sharhlovchi nigohi

ҚАДДИМИЗ ТИК, ҒУРУРИМИЗ БАЛАНД

Сиёсат оламида ўнглар, сўллар, марказчилар, оқлар, қизиллар, яшиллар, ғарбпарастлар каби ўнлаб сиёсий иборалар бор. Улар асосан сиёсий кураш жараёнида туғилган бўлиб, рақобатчи гуруҳларнинг номларини ифодалайди. Ўнглар ва сўллар бир-бирига бутунлай қарама-қарши гуруҳлар. Уларни муросага келтириш қийин. Ҳокимият учун курашда ва ўзлари танлаган йўлни изчил амалга оширишда улар асло бир-бирларига ён босмайдилар.

Бундан ташқари, ҳар иккала томон билан тил топишиб, ўз мақсадига эришишда ўртача йўл тутувчиларни марказчилар дейишади. Одатда, улар ўз хатти-ҳаракатларини давлат манфаатини кўзлаб шундай йўл тутганликлари билан изоҳлашади.

Рангларни ифодалаган иборалар ҳам турли мақсад ва манфаатни кўзлаган сиёсий гуруҳларнинг номларидир. Буларнинг ҳеч бири Ўзбекистонга дахлдор эмас. Биз сиёсий мақсадга, ўз танлаган йўлимиздан оғишмай боришга ранглар-сиз, ўнгларсиз, сўлларсиз ҳам эришамиз.

Энди ғарбпараст, шарқпараст каби ибораларга келсак, булар бизга дахлдор эмас, деб ўзимизни четга олишимизга имкон беришмаяпти. Ўтган йиллар мобайнида бу борада бизга не-не тамғаларни босишмади, дейсиз.

Мустақил бир давлатнинг мустақил ташқи сиёсатини ғарбга оғиб кетди ёки шарққа оғиб кетди, деб изоҳлаш шўро давридан қолган ярамас иллат. Биз оғиб кетганимиз ҳам, тойиб кетганимиз ҳам йўқ, ўзимиз танлаган йўлдан тўғри боряпмиз.

Назаримда, ер юзида кўп қутбли дунё шаклланиб боряпти, аммо икки қутбли дунё муҳити даражасида фикрлаяпмиз. Синфий кураш, «совуқ уруш», икки буюк империядан бирининг пинжида жон сақлаш, қарам бўлиш ва ялтоқланиш даври ўтиб кетди. Дунё сиёсатини ислоҳ қилишдан кўзланган мақсад ҳам шу.

Дунё халқлари тақдирини энди кўп овоз билан ҳал қилиш зарур. Бугунги кунда ёш мустақил давлатлар ана шундай дадил ташаббуслар билан чиқиб, ташқи сиёсатда журъатли қадамлар қўяётганлигининг ўзи дунё сиёсат оламида ўзгаришлар юз бераётганлигидан далолатдир. Демак, сиёсатда янгича фикрлашга мажбурмиз. Энди тамғаларга тоқат қилишнинг вақти эмас.

Ўзбекистон мустақилликка эришибдики, ташқи сиёсатда давлатларнинг катта-кичиклиги ёки куч-қудратидан қатъи назар, мўътадил йўл тутиб келади ва ҳеч қачон бировнинг йўриғи билан юрган эмас. Айтайлик, бизнинг бир давлат билан яқин ҳамкорлигимиз ҳеч вақт бошқа давлатга халақит берган эмас. Дунё сиёсат оламида тутган ўрни ва аҳамиятидан қатъи назар, қўшни давлатлар билан яқин ҳамкорлик қилиш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишидир. Бу йўналиш мамлакатимиз ва халқимиз танлаган йўлга, демократик ривожланиш ва сиёсий-ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ислоҳотларни изчил амалга ошириш йўлига зид эмас.

Гап демократик жараёнлар ҳақида борар экан, кейинги пайтда Ўзбекистондаги бу жараёнларнинг «тақдири» ҳақида ташвиш билдираётганлар пайдо бўлиб қолди. Улар бундай жараёнларни Украина ва Грузияда сунъий равишда тезлаштиришга эришганларидан руҳланиб кетиб, энди бутун Ўрта Осиё ва Кавказ минтақаларига кўз тика бошладилар. Бунинг учун зарур миқдорда маблағ ажратиб, очиқчасига хуруж қилиш йўлига ўтдилар. Улар ўзлари ишлаб чиққан «демократияни олға силжитиш доктринаси» асосида ҳаракат қилиб, мустақил давлатларнинг ички ишларига тўғридан-тўғри аралаша бошладилар.

Ҳамма нарсани ўз номи билан аташ яхши. Тўғриси, бундай хатти-ҳаракатнинг бошида даҳоликка даъвогар давлатлар туради. Гўё демократияга ҳомийлик қилишда халқаро ҳакамдай. Демократияни экспорт қилиб ёки сунъий равишда тезлаштириб бўлмаслигини халқаро ҳаётдаги воқеалар кўрсатиб турибди. Биргина Ироқни эслашнинг ўзи кифоя. Айтинг-чи, Ироқ халқига мамлакат бойлиги талон-тарож қилинган, юрт пароканда бўлган, дахлсизлик йўқотилган, аҳоли гуруҳларга бўлинган, мусулмонлар ўртасида низо кучайтирилган, ҳар куни ўнлаб қонли воқеалар юз бераётган, доим нотинч ва ваҳимали манзара акс этиб турган демократия керакми?!.

Маҳаллий аҳолининг миллий қадриятлари, маънавияти, ижтимоий онги, турмуш тарзи эътиборга олинмасдан эскпорт қилинган демократия ана шундай оқибатларга олиб келади.

Шу жиҳатдан олганда, ғарбдаги айрим сиёсатчиларнинг аввало, демократия ва инсон ҳуқуқлари ҳақида жон қуйдириб, сафсата сотаётгани остида қандайдир ғаразли мақсад яширинган кўринади.

Бу тулкининг ўз қуйруғи ўзига гувоҳликка ўтгандек гап эмасми, жаноблар. Гўзал юртимизда барқарорликни қарор топтириб, халқимиз ўртасида ҳамжиҳатликни таъминлаш қўлимиздан келади. Бизнинг қаддимиз тик, ғуруримиз баланд.

Иброҳим НОРМАТОВ,
сиёсий шарҳловчи

Turmush chorrahalarida

ОИЛА — ҲАЁТ БЕШИГИ

...Яқинда урганчлик Руслан Воисов (исм-шарифлар ўзгартирилган) бирон-бир бегона шахс билан эмас, балки кимсан кўз очиб кўрган жуфти-ҳалоли Садоқат Қурбонова билан судлашди. Эркак бўла туриб, аёл кишини судга бериш бир қарашда, мантиқ ва ахлоққа зиддек кўринади. Бироқ масаланинг моҳиятига эътибор қилинса...

Аслини айтганда, Руслан билан Садоқат бир-бирига кўнгил қўйиб оила қуришган. Бунга унча кўп вақт бўлгани ҳам йўқ. Уларнинг никоҳ тўйи бундан 11 йил муқаддам — 1995 йилнинг фараҳбахш кунларидан бирида бўлиб ўтди. Қонуний никоҳ эса 1998 йил май ойида қайд қилинди. Энди эса эр хотинни судга бермоқда. Сабаб: оилада юзага келган нотинчлик, рашк ва хиёнат. Афсуски, бундай вазиятда оилани сақлаб қолишнинг имкони йўқ. Таассуфки, суд жавобгарнинг иштирокисиз ўтди. Бир неча бор хабар берилганига қарамай, Садоқат судга келмади. Бу билан умр йўлдоши томонидан ўзига қўйилган айбларга муносабат билдириш ва шу аснода ақалли ўзини оқлаш имконини ҳам қўлдан чиқарди. Ҳатто уни ўртадаги 2 нафар жажжи фарзандининг тақдири ҳам қизиқтирмади. Моҳинур ва Носир ота тарбиясида қолди. Русланнинг айтишича, она бу мурғак фарзандларнинг бирини ресторан, иккинчисини қабристон яқинига ташлаб кетган. Агар шу гап рост бўлса, «она»нинг судга келмаганлигининг сабабини бир қадар англаса бўлади. Албатта, бир ойланинг бузилиши, ўртада фарзандларнинг тирик етим бўлиб қолиши кўнгилни хира қилади. Бироқ бундай вазиятда оилани сақлаб қолишнинг ҳам имкони йўқ. Шу туфайли суд ўртадаги никоҳни бекор қилди. Мўътабар ва муқаддас ҳисобланган оилага нисбатан енгилтаклик билан қараш оқибати ҳамиша ана шунга олиб келади. Оила қўрғони бузилди. Бунинг оқибатида юзага келган кўнгил яраси энди собиқ эр-хотин ва уларнинг яқинлари қалбини умр бўйи озорлаши турган гап. Энг ачинарлиси, ярим етим қолган беайб фарзандларнинг тақдири.

Турмушнинг бузилиши, аҳилликка путур етиши каби оқибатлар оила муқаддаслигини идрок этолмаслик, тотувликни қадрлай олмасликнинг мудҳиш якуни, десак, тўғри бўлади. Оила, турмушнинг қадр-қиммати ва аҳамияти англанган жойда аҳиллик қўрғони бузилмайди, хонадон парокандаликка юз тутмайди.

Ёмоннинг бир қилиғи ҳам ортиқча, деганларидек, дилозорликнинг биттаси ҳам кўп, дилтортар ҳолатларнинг эса мингги ҳам оз. Шундай экан, бузилаётган оила ортида ўнларча нохуш ҳолатлар юзага келишини унутмаслик даркор.

(Давоми тўртинчи бетда)

XXI АСР НАФАСИ

ФРАНЦИЯ: ОММАВИЙ ТАРТИБСИЗЛИКЛАР

Франция ўтган йил рўй берган оммавий тартибсизликларнинг бир йиллиги но-

розилик намойишлари билан кутиб олинди. Бу намойиш иштирокчилари ижтимоий ёрдам кўламини кенгайтириш, ойлик маошларни ошириш, ирқий камситишларни тўхтатиш каби талаби билан чиққан. Намойишчилар ҳукуматга шаҳарнинг чекка ҳудудларида яшайдиган аҳолидан йиғиб олинган 20 мингдан ошиқ шикоят хатини топширди.

Шу куннинг ўзида бир гуруҳ ўсмирлар Нантере шаҳрида йўловчи ташувчи автобусни ёқиб юборди. Йўловчилар автобусни ўз вақтида тарк этишгани боис қурбонлар бўлмади.

Бу сўнгги кунларда ёқиб юборилган иккинчи автобус. Франция ҳукумати бу йил ҳам тартибсизликлар авж олиб кетишидан хавотирда.

Ўтган йилнинг кузида юз берган тартибсизликлар оқибатида мамлакатда 9 мингдан ошиқ автомобиль ёқиб юборилган, ўнлаб маъмурий бинолар вайрон қилинган, юздан ошиқ дўконлар таланган эди.

БРАЗИЛИЯ: САЙЛОВЛАР ЯКУНЛАНДИ

Бразилияда мамлакатнинг амалдаги президенти Луис Инасиу Лула да Силва иккинчи муддатга қайта сайланди. У 60 фоиздан ортиқ сайловчиларнинг овозини олишга муваффақ бўлди. Да Силванинг рақиби – собиқ губернатор Сан-Паулу Жералду Алкминга эса 40 фоизга яқин сайловчилар овоз берган.

Да Силва мамлакатда коррупция ҳамда иқтисодий муаммоларни бартараф этишга, таълим тизимини такомиллаштириш ва янги иш ўринлари яратишга ваъда бермоқда.

МАҲБУСЛАР РЎЙХАТИ ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Фаластиннинг «ХАМАС» гуруҳи вакиллари асирликдаги капрал Гилад Шалидни Исроилдаги фаластинлик маҳбусларга алмаштириш шартларини муҳокама қилиш учун яқин кунларда Қоҳира шаҳрига ке-

лади. Миср «ХАМАС» ҳамда Исроил ўртасидаги музокараларда воситачилик қилмоқда.

«Reuters» тарқатган маълумотларга қараганда, якшанба куни «ХАМАС» вакили музокаралар чоғида гуруҳ томонидан 1000 нафар маҳбуснинг рўйхати тақдим этилиши ҳақида баёнот берган. Улар орасида қариялар, аёллар, болалар ҳам бор. Аввалги хабарларга кўра, «ХАМАС» гуруҳи барча маҳбуслар ҳамда Шалит бир вақтнинг ўзида озод этилиши керак, деган шартни қўйган. Эндиликда «ХАМАС» гуруҳи рўйхатдаги маҳбуслар капрал озод этилгандан сўнг қўйиб юборилишига ҳам рози эканини билдирмоқда.

БАҒДОД: ЯНА 30 НАФАР ҚУРБОН

Бағдоддаги Садр Сити мавзесида содир этилган портлаш оқибатида 31 нафар киши қурбон бўлди, 50 нафардан ортиқ киши эса тан жароҳати олди. Портлаш кеча маҳаллий вақт билан эрталаб соат 6.15 да рўй берган, деб хабар беради «Ассошиэйтед Пресс» агентлиги.

2,5 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган Садр Сити мавзеси "Маҳдий қўшини" деб ном олган шиа жангариларнинг асосий қароргоҳи ҳисобланади. Ушбу ҳудудда жуда кўп марта террорчилик актлари содир этилган. Ушбу терактларни

суннийларнинг гуруҳи амалга оширган, деган гумонлар бор.

НИГЕРИЯ: АВИАҲАЛОКАТ

Нигерияда рўй берган авиаҳалокатда фақат 9 нафар киши омон қолди. Сўнгги маълумотларга қараганда, 96 нафар киши ҳалок бўлган.

Бу ҳалокат сабабларини ўрганаётган комиссия вакилининг сўзларига қараганда, омон қолган 9 нафар киши касалхонага ётқизилган.

Якшанба куни экипаж ҳамда 104 нафар йўловчиси билан ҳавога кўтарилган Эй-Ди-Си (ADC) авиакомпаниясига қарашли «Боинг-737-200» самолёти номаълум сабабларга кўра, ерга қулаб тушган.

Қутқарувчилар душанба куни самолёт қулаган ҳудудда бортга ўрнатилган ўзиёзар қурилмаларни топишга муваффақ бўлган, деб хабар қилади «Ассошиэйтед Пресс» агентлиги.

ИҚЛИМ ИСИШИ ҚИММАТГА ТУШАДИМИ?

Мутахассисларнинг тахминига кўра, дунё бўйича иқлимнинг исиб кетиши жаҳон иқтисодиётига камида 7 триллион доллар зарар етказиши мумкин экан.

Бу XX асрда рўй берган иккинчи жаҳон уруши ёхуд 1930-йиллардаги иқтисодий бўҳрон етказган зарар миқдорига тенг.

Интернет материаллари асосида Отабек НАҲАНОВ тайёрлади

Turmush chorrahalarida

ОИЛА — ҲАЁТ БЕШИГИ

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Одам ўз-ўзидан оила соҳибига айланиб қолмайди. Намунали оилалар ён-атрофдагиларнинг доно ўгит-насиҳатлари, мадад ва маслаҳатлари асосида барпо бўлади. Маҳалла-кўй, қўни-қўшни, баобрў кишилар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари фаоллик кўрсатган жойда оилавий ажралишлар деярли учрамайди. Шундай экан, ҳаётда баъзан учрайдиган оилавий низолар учун ҳамма айбни ёшлар гарданига ағдариш ҳам инсофдан эмас. Бу фикрни бежиз айтаётганимиз йўқ. Нега деганда, атрофдагиларнинг эътиборсизлиги, ҳали етарли ҳаётий тажрибага эга эмаслик ёш оилаларга таъсир ўтказмай қолмайди.

Яқинда фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро суди Муяссар Хўжамуродова ва Ғанишер Хўжамуродов ўртасидаги никоҳни бекор қилиш юзасидан очилган ишни тугатиш ҳақида ажрим чиқарди. Бунга даъвогар Р.Хўжамуродованинг ўз талабидан воз кечгани, суд томонидан аввал белгиланган муддат ичида ўз турмуш ўртоғи билан ярашиб, оилавий ҳаётни биргаликда давом эттиришга аҳд қилишгани сабаб бўлди. Шу пайтга қадар икки ёшнинг ҳаётига эътиборсиз қараб келган қариндош-уруғ ва қўни-қўшнилар кеч бўлса-да, ўз хатоларини англаб, фаоллик кўрсатгани оилада соғлом маънавий-ахлоқий муҳит қарор топишини таъминлади. Ёшларнинг оилавий турмушини муҳокама этган дастлабки суд мажлиси ҳам улар учун ибратли сабоққа айланган бўлса, ажаб эмас.

Башарти ён-атрофдагилар фуқаро Рўзигул Шокирова ва Шокир Эшназаровлар (исм-шарифлар ўзгартирилган)га ўз вақтида ҳаёт сабоғини беришганида, улар томонидан судга ноўрин ва юзаки талаблар қўйилмаган бўларди. Судга даъво аризаси билан мурожаат қилган Рўзигул ҳам, жавобгар ҳисобланмиш Шокир ҳам муҳокама чоғи ажралишга сабаб бўладиган асосли далилларни тақдим этишолмади. Суд оилавий муҳитнинг бузилишига ўртадаги фарзандсизлик сабаб бўлгани ҳақидаги даъвони асоссиз, деб ҳисоблади. Имон-эътиқод, инсоф-диёнат назари билан қаралса, фарзандсизлик учун на эр, на хотин айбдор эмас ва бу ҳолатни ажралиш учун асос қилиб белгилаш ҳам тўғри эмас. Буни халқимиз хоҳиш-иродасининг ифодаси бўлмиш оила-никоҳ қонунчилиги ҳам эътироф этади. Инсон иродаси турмуш суронларида синаланади. Иродаси суст кишилар мураккаб маҳалларда кўпинча ўзгани эмас, ўзини ўйлашади. Инсонийлик фазилатлари бисёр одамлар эса бошга қийинчилик тушса, бир-бирини суяшга, дардига малҳам, юрагига қувват ва мадор бўлишга ошиқишади. Бундай синов чоғида унга дуч келганларни ёлғизлатиб қўйиш ҳам инсонийликдан эмас. Ёшлар фарзандсизлик туфайли оилани бузиш учун судга мурожаат қилишибдими, демак, бу ҳолга бошқалар бефарқ ва беэътибор қарашган. Икки ўт орасида қолган эр-хотинга мавжуд нажот йўлини кўрсатиб бера олишмаган. Бундай вазиятда эр-хотиннинг қарорини қоралаш ўрнига уни маъқуллайдиган ва ҳатто, бир-бирига қарши гиж-гижлаб, орани бузувчиларга ҳам дуч келиш мумкин. Халқимизда «яхши одам юрт тузади, ёмон одам юрт бузади», деган ибратли нақл бор. Бундан хулоса шуки, ориятли одамлар ҳеч маҳал ўзгалар турмушини бузишмайди, аксинча, кемтигини тўлдириш пайида бўлишади.

Ҳаёт синовлардан иборат. Булут ортида ҳамиша нурафшон қуёш порлайди. Булут кетади, қуёш қолади. Инсон умри ҳам шундай. Синовлардан ҳайиқмаган кишилар қийинчиликларни ҳамиша омилкорлик билан бартараф этишади ва албатта, тотли, фаровон ҳаётга муяссар бўлишади.

Оилани бузишнинг оқибати ҳамиша оғир кечишини ҳаётда аллақачон исботланган. Баъзилар бир қарашда, муаммо ёки низони бартараф этишнинг энг афзал ва маъқул йўли никоҳни бекор қилиш, деб билишади. Бу – алдоқчи фикр.

Чунки инсон учун бу дунёда оиладан ҳам мукаддас ва азиз маскан йўқ. Шу боис мукаддас гўшани асраб-авайлаш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Ойша ҚАЛАНДАРОВА,
фуқаролик ишлари бўйича Хоразм вилоят суди судьяси,
Абдулла СОБИРОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Sirli dunyo

НОЁБ ХИСЛАТ ЭГАСИ

Азалдан одам боласи ўзининг тафаккур, қудрати билан мўъжизалар яратиб келган. Ана шундай тенгсиз қобилиятли одамлар орасида барчани ҳайратда соладиган ғайритабиий хусусиятларга эга шахслар ҳам учрайди. Бундай ноёб хислат эгаларидан бири Ури Геллердир.

Хўш, Ури Геллер аслида ким бўлган? Унинг ноёб қобилияти сири нимадан иборат? Қуйида ана шундай саволларга батафсил жавоб топишингиз мумкин.

Бугунги кунда Ури Геллерни парапсихологиянинг олий юлдузи, деб аташади. Аслида унинг табиатидаги бу ноёб хислатни биринчи бўлиб америкалик электроника ва тиббиёт илмининг мутахассиси Андриа Пухарич кашф этган. Бу олим ўзининг физика ҳамда психологик феноменлар физиологияси ва шифобахш биомайдон масалаларини ўрганиш бўйича илмий-назарий тадқиқотлари билан танилган.

1969 йилдаёқ Урининг номи дунёга машҳур бўлган. Айниқса, америкалик космонавт Этгард Митчел унга алоҳида эътибор билан қараган. Унинг моддий ва маънавий кўмаги натижасида Х.Путхофф ва Р.Таргом каби машҳур физиклар Калифорниядаги Станфорд илмий-текшириш институтида Ури Геллернинг ғайриоддий қобилияти устида илмий изланишлар олиб боришган. Биринчи марта Калифорния университети томонидан Беркли шаҳрида ўтказилган симпозиумда А.Пухарич У.Геллер томонидан металл буюмларни букиш ва синдириш, магнит тасмасидаги овозни ўчириш, буюмларни йўқотиб юбориш ва уларни қайта пайдо қилиш, ҳатто Гейгер ўлчагич асбоби унинг қўлида ниҳоятда катта радиация борлигини кўрсатиши, магнит майдонини ўлчайдиган гауссметр кўрсаткичлари ишдан чиқиши ҳолатларини намойиш қилади ва бунинг сабабларини тушунтириб беради.

Бундан ташқари, Урининг ноёб қобилияти дунёнинг бир қатор мамлакатларидаги лабораторияларда қайта-қайта текшириб кўрилади ва охир-оқибат бу гипноз ҳам, кўзбўямачилик ҳам, одамларга таъсир этиш орқали ишонтириш ҳам эмаслиги, балки ҳақиқий психофизик ҳодиса экани эътироф этилади.

У. Геллер дунёнинг кўплаб мамлакатларида ўз қобилиятини намойиш қилган. У минглаб томошабинларнинг кўз ўнгида қўлини тегизмай темир калитларни буклар, тегиб-тегмай пичоқ ва санчқиларни синдирар, одамларнинг қўлидаги соатларни бир зумда тўхтатиб қўяр эди. Ури Геллер томоша кўрсатаётганида ёки психогенетик тажрибалар ўтказаётганида бошқа одамларнинг ёрдамига суянар эди. Гўёки, у одамлардан қувват олар эди. Бундан ташқари, у оддий одамларни кучлантириб қўйиш қобилиятига ҳам эга эди. Натижада, оддий томошабинлар ҳам фақат У.Геллер рўёбга чиқара оладиган мўъжизаларни бемалол такрорлар эдилар. Ана шундай воқеалар Англия, Германия, Франция, Швейцария, Норвегия, Дания, Голландия ва Японияда содир бўлиб, минглаб одамлар ҳам нигоҳи билан қошиқ ва санчқиларни бука олган эдилар. Айниқса, бу соҳада кўпроқ болалар муваффақият қозонишар эди.

Ўтган асрнинг 70-йилларида Европа мамлакатларида психокинез — инсоннинг масофадан туриб таъсир этиш қобилиятига қизиқиш жуда авж олган эди. Кўплаб илмий журналлар металл буюмларни масофадан туриб букиш хусусиятини «Геллер эффекти» деб номлаган эди. Олимлар эса Геллернинг жонли ва жонсиз буюмларга таъсир ўтказиш қобилиятини тан олдилар. Умуман айтганда, у руҳий қувватини ўз хоҳишига қараб бошқара олиш қудратига эга эканини исботлади. Айтиш жоизки, у қуйидаги тажрибаларда ўз қобилиятини намойиш этди:

— масофадан туриб шиша идишларга ёки қутиларга солиб қўйилган металл буюмларни буклаш, синдириб ташлаш;

— магнит тасмага ёзиб олинган тасвирларни ҳамда конверт ичидаги суратларни аниқлай олиш;

— яширин қўйилган буюмларнинг қаерда эканлигини топиш;

— ўйин соққасидаги рақамларни аниқ айтиб бериш;

— компас кўрсаткичини ҳаракатга келтира олиш;

— магнитометр анжомини ва электр токи ишлаб чиқарувчи асбобни ишдан чиқариш;

— ёнида турган одамнинг фикрини ўқий олиш;

— ёпиқ турган фотоаппарат плёнкасига ўз тасвирини тушириш;

— ҳамманинг кўз ўнгида турган буюмни кўздан йўқотиб яна қайта пайдо қилиш;

— бузилган соатларни юргизиб юбориш;

— самолётда учиб кета туриб, ер қаърида жойлашган олтин, нефть, олмос ва бошқа фойдали қазилмалар мавжуд бўлган жойларни аниқ кўрсатиш.

Кунлардан бирида Ури Геллерга шундай савол беришади: «Сиз телепатик ва аён кўриш тажрибаларини қандай амалга оширасиз?».

— Менинг миямда ойнаи жаҳонга ўхшаш экран мавжуд. Мен гапираётганимда ҳам, эшитаётганимда ҳам у кўриниб тураверади. Мен чиндан ҳам, ҳамма нарсанинг тасвирини аниқ кўриб тураман.

У.Геллер ўз болалигини қуйидагича хотирлайди:

— Узоқ болалик пайтимда ғалати бир воқеа рўй берганди. Ўшанда қуёш ботиб борар, айни шом маҳали эди. Мен ҳовлимиздаги боғда ёлғиз ўйнаб юрардим. Бирдан шундай бир шовуллаган товуш ҳаммаёқни тутиб кетди. Бу жуда ғалати овоз эди. Гўёки, бутун олам ҳаракатдан тўхтаган, ҳатто дарахтлар ҳам бир лаҳза тош қотиб қолган эди. Ёдимда, ўша дақиқаларда қандайдир куч мени осмонга қарашга ундагандек бўлди. Бутун осмону фалак кумушранг тусга кирган эди. Хаёлимга «қуёш қаёқда қолди экан?» — деган ўй келди. Чунки осмонни бутунлай бошқа ёруғ нур қоплаб олган, борган сари у қуйига бостириб келарди. Ниҳоят, бу ёруғлик менга жуда яқин келди. Бошимда қаттиқ оғриқ турган эди. Ана шу оғриқ ва қаттиқ қўрқув таъсирида ҳушимни йўқотдим. Беҳуш қанча вақт ётдим, билмайман. Ўзимга келдим-у, уйга чопдим. Рўй берган воқеаларни онамга айтиб бердим. У негадир қўрқиб кетди, менинг ҳаётимда қандайдир сирли воқеа содир бўлганини фаҳмлади чоғи, қаттиқ ҳаяжонга тушиб қолди.

Шундан сўнг болакайнинг ҳаётида ғаройиб воқеалар юз бера бошлади. Ҳар қандай бола каби у ҳам онасининг юзларига термулганида унинг муҳаббатини, ўзига нисбатан чексиз ғамхўрлик ҳақидаги фикрларини хаёлан уқиб оларди. Онасининг тили учида турган гапни ундан олдинроқ бола қайтарарди. Онаси дугоналари билан қарта ўйнаётган пайт Ури олдинданоқ онаси бу ўйинда ютадими ёки ютқазадими, ютуқ ва ютқазишнинг миқдорда қанча эканини бехато башорат қиларди. У олти ёшга кирганида отаси соат совға қилади. Соат унинг қўлига теккач, нақд мўъжизага айланади. Гап шундаки, қандайдир ғайриоддий сабабларга кўра, соатнинг кўрсаткичлари гоҳ олдинда, гоҳ орқада қолиб кетар эди. Агар Ури мактабдан тезроқ уйга қайтишни истаса, соат тезроқ юрар эди. Умуман айтганда, бу соат унинг раъйига қараб «қадам ташларди». Шундан сўнг ота-онаси унга бошқа соат олиб беришди. Буни қарангки, бу сафар ҳам айнан шундай воқеа такрорланди. Бола бутунлай бошқа оламда яшар эди.

Кунлардан бирида Ури онаси билан ҳайвонот боғига боради. Улар боққа кириши билан бола инжиқлик қила бошлайди:

— Ойижон, юринг, бу ердан тез кетайлик.

— Нега ўғлим, — ҳайрон бўлади онаси. — Ахир, ўзинг қўярда-қўймай бу ерга бошлаб келдингку?! Энди ёқмай қолдими?!

— Ойижон, негадир юрагим ғаш тортиб кетяпти. Юринг, кетайлик.

Она-бола ҳайвонот боғи дарвозаси ёнига келиши биланоқ радиодан хавф-хатар тўғрисида ахборот янграб қолади. Маълум бўлишича, ҳайвонот боғидаги бир йўлбарс қафасидан чиқиб кетган экан. Бир зумда тўс-тўполон бошланиб кетди. Кимдир азбаройи ваҳимага тушганидан дарахтга чиқиб олган, кимдир ўзини қўлга ташлаган... Ури эса онаси билан аллақачон анча нарида, хавфсиз жойда бу воқеаларни кузатиб туришар эди.

Яна бир воқеа. Ури Геллерни гипноз ҳолатига туширишиб, унинг овозини ёзиб олмоқчи бўладилар. Гипноз жараёнида Ури ўзининг болалик чоғларини ёдга олади. Яъни ўша бошига осмондан нур ёғилган ва у ҳушини йўқотган шом маҳалини эслаган пайт ёзиш тембри ўзгаради.

Бундан ҳам ҳайратланарлиси шундаки, Ури гипноз ҳолатидан чиққач, овози ёзиб олинган тасмани негадир оловда ёндириб ташлайди...

Учинчи марта гипноз ҳолатида унинг овозини эшитганда қуйидаги сўзлар эшитилади: «Урига хос бўлган бу қувват «Спектр» деб номланган космик кемадан юборилмоқда. Бу кема ердан бир минг ёруғлик йили олисда жойлашган. Ури Геллер эзгулик йўлида хизмат қилади».

1972 йилда Ури Геллернинг ғайриоддий қобилиятларини ўрганиш ниятида Станфорд университетида (АҚШ) бир қатор тадқиқотлар ўтказилади. Ўз навбатида Ури бир нечта ўта сирли воқеа-ҳодисаларни намойиш қилади. Унинг фикрича, юз бераётган бу воқеаларни қандайдир илоҳий куч бошқариб туради. У ёқдан юборилаётган ноаниқ товушлар гўёки магнитофонга ёзилган товушларнинг чўзилиб айтилаётганига ўхшайди. Бундан ҳам қизиғи шундаки, овоз ёзилаётган пайтда магнитофон тугмачаларини кимдир босиб ўчирар ва яна юргизар эди. Магнитофон ёнидаги кулдон ва биллур ваза эса стол устидан тушиб кетади. Аммо улар шундай бир ғайритабиий алфозда ерга тушадики, синмайди.

Ури Геллер шеърлар ёзишни жуда-жуда яхши кўради. Унинг шеърларида ҳаётнинг гўзаллиги, муқаддаслиги, она сайёрамизнинг бебаҳо ва бетакрор эканлиги, одамлар эса унда фақат эзгулик қилиш учун яшаши ва фойдаланиши лозимлигини уқтиради.

Дарҳақиқат, инсон Аллоҳ томонидан мукаррам қилиб яратилган. Унинг руҳида яратганга шукрона, бир-бирига меҳр-муҳаббат, яхшилик ҳамда битмас-туганмас ноёб хислатлар мужассамки, уларни рўёбга чиқариш энг олижаноб инсоний фазилатлардир.

Хорижий матбуот материаллари асосида Зафар ЁҚУБОВ тайёрлади

ЭЪЛОН!

Андижон вилояти адлия бошқармаси Андижон шаҳридаги хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслик лавозими учун танлов эълон қилади:

Ушбу танловда иштирок этишни истаган нотариал фаолият билан шуғулланувчи лицензияга эга Ўзбекистон Республикаси фуқаролари танлов эълон қилинган кундан бошлаб 1 (бир) ой муддат ичида Андижон вилояти адлия бошқармаси ҳузуридаги нотариат бўйича Малака комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган тартибда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Адлия вазирлиги ёки адлия бошқармаси нотариат ишига бевосита раҳбарлик қилиш билан боғлиқ вазифаларда ишлаб келаётган талабгорлар —тегишлича раҳбарият томонидан имзоланган ҳамда ушбу талабгорнинг ишлаб келаётган лавозими ва ўз лавозимига мувофиқ унга юкланган вазифалар аниқ кўрсатилган маълумотнома, нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин 3 йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошлаган фуқаролар эса Малака комиссиясининг қароридан кўчирмалар.

Танлов Андижон вилояти Адлия бошқармаси биносида ўтказилади.

Манзилимиз: Андижон шаҳар, Шароф Рашидов кўчаси, 13-уй. Телефон: 22-30-89.

Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси томонидан 1997 йил 30 июнда Нуритдинова Мавлуда Тўраевна номига берилган SU 000042 сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси Денов туман ФХДЁ бўлимида 1-SU серияли 0120414 рақамли туғилганлик гербли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.



ЭЪЛОН!

Фарғона вилояти адлия бошқармаси Боғдод тумани давлат нотариал идораси, Қува тумани давлат нотариал идораси, Қўқон шаҳар 2-сон ҳамда Фарғона шаҳар 1-сон давлат нотариал идораси нотариуслиги лавозимларига (1 тадан ўрин) танлов эълон қилади. Танловда нотариуслик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга олий юридик маълумотли Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этиши мумкин.

Талабгорлар газетада эълон босилиб чиққан кундан бошлаб, 1 (бир) ой ичида Фарғона вилояти адлия бошқармасига қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари мумкин.

1.Нотариат бўйича Малака комиссияси номига ариза;
2.Паспорт нусхаси;
3.Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4.Меҳнат дафтарчасининг нотариал тартибда тасдиқланган нусхаси;
5.Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тартибда тасдиқланган нусхаси;
6.Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида ишламаган фуқаро қайта имтиҳон топширгани ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма;
7.Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисида тавсифнома.

Мурожаат учун манзил: Фарғона шаҳри, М.Қосимов кўчаси, 149-уй. Телефон: 224-46-33.

Jinoyat va jazo

АДАШГАНЛАР ҚИСМАТИ

Ҳар бир оиланинг тинч-тотувлиги, қувонч-шодлиги аввало фарзандлар туфайлидир. Халқимизда: «Болалик уй бозор», деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Яхши хулқли фарзанд ота-онага обрў-эътибор келтиради. «Болаларимиз — бизнинг келажагимиз. Уларга яхши тарбия берсак, кексайганда роҳатини кўрамиз, ёмон тарбия —ғам-алам келтиради», деган эди мутафаккирлардан бири.

Мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбияси энг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Айниқса, вояга етмаганлар орасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг **«Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»**ги қарори вояга етмаганлар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишда муҳим омил бўлди. Айни пайтда бу йўналишда масъул давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ҳамда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар изчил фаолият олиб бораётир.

Маълумотларга кўра, жиноятга қўл урган ёшларнинг 70 фоизга яқини спиртли ичимлик истеъмол қилиш оқибатида жиноятлар содир этаркан. Ҳа, ичкилик барча иллатларнинг дояси, дея бежиз айтишмаган. Бундан ташқари, вояга етмаганлар томонидан содир қилинган ҳуқуқбузарликлар таҳлили шуни кўрсатадики, жиноятларнинг ҳар тўртдан бири ўткинчи ҳоҳо-ҳавасларга берилиш оқибатида юз бераркан. Жиноятга қўл урган ҳар беш нафар боланинг бири ўзини бошқалардан устун тутишга интиларкан, ҳар учинчиси нафсини жиловлай олмаслиги туфайли боши берк кўчага кириб қоларкан.

Бу маълумотлар ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкиллаштириш, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга, дарсдан ташқари турли машғулотлар, спорт тўгаракларига жалб этишни янада кучайтиришни тақозо этади. Зотан, бекорчилик барча иллатларга сабаб бўлиб, бўш қолган ўсмирнинг қинғир йўлга киришига шароит туғдиради.

Яна бир маълумот ҳам эътибор қаратишни тақозо қилади: жиноятга қўл урган ўсмирларнинг аксарияти отаси ёки онаси йўқ оила фарзандларидир. Демак, ота ва онанинг ҳамкорликдаги тарбияси фарзанд учун сув ва ҳаводай зарур. Айниқса, ўғил болалар тарбиясида отанинг талабчанлиги ўта муҳимдир. Келинг, шу ўринда бир ҳаётий мисолга мурожаат этайлик.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судида эндигина ўн беш ёшни қаршилаган Акром Аҳмедовнинг (исм-шарифлар ўзгартирилган) жиноий иши кўриб чиқилди. Ҳали болалиги юзида акс этиб турган бу ўсмирнинг содир этган жинояти ўта оғир — қотиллик. У буриси М.Умаровага оғир тан жароҳати етказган. Буёғини сўрасангиз, Акрам эндигина икки ёшга тўлганда ота-онаси ажралишган, у ёлғиз онасининг қарамоғида қолган. Муштипар она фарзандини бекаму кўст улғайтириш ниятида узоқ ишда бўлиб, бола тарбиясига етарлича вақт ажратолмаган.

Натижада Акрам кўча-кўйда санқиб юришни ўзига касб қилиб олган. Бу орада бола онаси билан бувиси М.Умарованинг уйига кўчиб ўтишади. Бир ҳовлида яшай бошлаш-са-да, уларнинг рўзғорлари алоҳида бўлган. Шунданми, Акрам бувисини назар-писанд қилмас, у билан тез-тез жанжаллашиб турарди. Шундай кунларнинг бирида Акрам бувиси М.Умарованинг уйидан жами 113.000 сўмлик буюмларни ўғирлаб, сотиб юборади. М.Умарова бу ўғирликка ўз набираси қўл урганини сезиб қолади. Натижада оиладаги келишмовчилик янада авж олади. Шу йилнинг 9 апрелида А.Аҳмедов билан М.Умарова ўртасида келиб чиққан жанжал чоғида Акрам пичоқ билан бувисига жиддий жароҳат етказади. Шундан сўнг у М.Умарованинг бир пой зирак ва узугини олиб, чалажон кампирни қаровсиз ташлаб кетади.

Суд мазкур жиноий ишни ҳар томонлама ўрганиб, А.Аҳмедовга қонуний жазо тайинлади.

Бу фожиа, эҳтимол, А.Аҳмедов ота тарбиясини олганида, рўй бермасмиди, деган ўйга борасан киши. Чунки вояга етмаганлар орасидаги жиноятчилик ҳолатлари ҳуқуқий, психологик ва бошқа омиллар таъсирида юзага келаётир, жиноят содир этган ўсмирларнинг аксариятида мустақил фикрлаш қобилияти суст.

Шу йилнинг май ойида В.Қўрғонов, А.Амирхонов ва И.Комилов (исм-шарифлар ўзгартирилган) спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда ўзаро суҳбатлашиб турганларида Д.Қирғизов ва В.Искандаров уларнинг даврасига қўшилади. Кутилмаганда улар Д.Қирғизовни ҳақоратлаб, юзига мушт туширишади. Д.Қирғизовнинг чап кўзи шикастланиб, енгил тан жароҳати олади. Шундан сўнг Дилшод уйига келиб, бўлган воқеани акаси Мансурга айтиб беради. Мансур укасини «хафа қилган муштумзўр» билан гаплашиб қўйиш учун отланади ва танишлари А.Маллаев ҳамда А.Пардаевни ҳам эргаштириб, воқеа жойига етиб бораради. Икки орада муштлашув бошланиб кетади. В.Қўрғонов қўлидаги пичоқ билан А.Маллаевга бир неча бор оғир тан жароҳати етказади. А.Маллаев оғир зарб натижасида ерга йиқилгач, В.Қўрғонов воқеа жойидан яширинади. Хайриятки, шериклари А.Маллаевни вақтида касалхонага олиб боришади. Акс ҳолда ёшгина йигитнинг умри бевақт хазон бўларди.

Албатта, А.Амирхонов ва В.Қўрғонов ўз қилмишларига яраша жазо олишди. Бироқ А.Маллаев ва В.Искандаровнинг М.Қирғизов уларни муштлашувга олиб кетаётганини била туриб, бир оғиз эътироз билдирмаганларини қандай тушуниш мумкин?! Бу, албатта, итоатгўйликдан бошқа нарса эмас. Агар бу кимсалар ақл билан мушоҳада юритиб, М.Қўрғоновни йўлдан қайтарганларида, хунук кўнгилсизлик содир бўлмасмиди.

Албатта, вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг илдизи, аксарият ҳолларда, носоғлом оилавий муҳитга бориб тақалади.

«Бир болага етти маҳалла ота-она», дейди халқимиз. Юқоридаги каби воқеаларни эшитганда беихтиёр: биз бу ўгитга қанчалик амал қилаяпмиз, деган савол туғилади. Кўча-кўйда, жамоат жойларида безорилик, ҳатто чўнтаккесарлик қилаётган болакайни кўриб, кўрмасликка олиб кетмаяпмизми? «Менга нима, ота-онаси тергасин», қабилида иш тутмаяпмизми? Унутмайликки, оддий бепарволик, ўзни четга олиш янгидан-янги ҳуқуқбузарликларга йўл очади.

— Мактабда дарслар тугагач, бўш қолиб, компьютер ўйнашга йўл олардим, — дейди Мурод исмли ўсмир. — Ота-онам менга кўп пул бермасди. Лекин пулдор болаларни кўриб, уларга ҳавасим келарди. Дастлаб уйдан пул ўмариб, «Интернет» клубида ўзимни уларга кўз-кўз қилдим. Бирортаси бунча пулни қаердан олдинг, деб сўрамади. Бундан ҳаволаниб, кўни-қўшниларнинг буюмларини ўғирлаб сотишга ўтдим ва бинойидай «бойвачча»га айландим. Бу қилмишларимни ота-онамга сездирмасдим. Бироқ кўза кунда эмас, кунида синар экан. Бозордан қимматбаҳо телпакни олиб қочаётиб, қўлга тушдим. Қилмишимга яраша жазо олганимдан кейингина кўзим очилди. Айбимни бошқаларга ағдармоқчи эмасману, бироқ оиламизнинг аҳволини яхши биладиган «Интернет» клуби раҳбаридан хафа бўлдим. Чунки агар у вақтида менга танбеҳ берганида, тўғри йўл кўрсатганида «ўғри» деган тавқилаънатга қолмасмидим. Қилган ишимдан пушаймонман, аммо энди кеч...

Дарҳақиқат, ўсмир тарбияси бутун жамоатчилик фаол иштирок этиши лозим бўлган муҳим вазифадир. Чунки бола атроф-муҳит таъсирида шаклланиб, улғайиб боради. Шу нуқтаи назардан, бу йўналишда масъул давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ҳамда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг ҳамкорликдаги ишларини янада кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

Ёшларни тўғри тарбиялаш, ҳуқуқий саводхонликни ошириш, бир сўз билан айтганда, етук ва баркамол инсон қилиб вояга етказиш эртанги ёруғ кунимиз кафолатидир.

Дилфуза РАҲИМБЕКОВА,
журналист

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили жамоаси Омбудсманнинг Бухоро вилояти бўйича минтақавий вакили, вилоят адвокатлар ҳайъати раиси Т.Сайидовга ўғли

МИРПЎЛАТнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ, Абдукамол РАҲМОНОВ, Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Ислом ҲАМРО, Хуршид СОДИҚОВ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-1216. Тиражи — 7500.
Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 23.00

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50

1 2 3 4 5 6